ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

« ИҚТИСОДИЁТ» кафедраси

«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»
«Иқтисодиёт» кафедраси мудири
_____и.ф.д. Х.С. Мухитдинов
«___»_____ 20__ йил

« ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Иқтисодиёт» факультети
декани _____и.ф.д. А.Ф.Хуррамов

5340100-“Иқтисодиёт” йўналиши кундузги бўлим IV курс, И –43 гуруҳ талабаси Тилов Байрамнинг “Қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида) ” мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт» (қишлоқ хўжалиги) таълим йўналиши битирувчи IV –курс талабаси Тиловов **Б.**

ИЛМИЙ РАҲБАР:
Р. Омонов
Менежмент кафедраси доценти

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки химоядан ўтди
_____ сонли баённома «_____» _____ 2012 й.

ҚАРШИ – 2012 йил

Адабиётлар шархи

I-боб. Кишлок хужалигида инфратузилмани мохияти ва ахамияти.
1.1. Кишлок хужалигида инфратузилмани мохияти.
1.2. Кишлокда бозор инфратузилмасининг хозирги холати ва ахамияти.
I-боб буйича хулосалар

II-боб. Бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш муаммолари.
2.1. Молия-кредит муассасалари тахлили.
2.2. Биржа, брокерлик ва улгуржи савдо марказлари холати.
2.3. Ахборот-маслахат марказлари, аудиторлик-консалтинг хизматлари тахлили.
II-боб буйича хулосалар

III-боб. Кишлок хужалиги самарадорлигини оширишда бозор инфратузилмасини урни.
3.1. Эркинлаштириш шароити аграр тармогида бозор инфратузилмасини ривожлантириш мухити.
3.2. Кишлок хужалиги самарадорлигини оширишда бозор инфратузилмаси фаолиятини такомиллаштириш.
III-боб буйича хулосалар

Умумий хулосалар
Фойдаланилган адабиётлар руйхати
Иловалар.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган мақсад-хўжалик юритишнинг барча шакллари учун тенг иқтисодий шарт - шароитлар яратиш, хусусий мулкчиликни шакллантириш хамда мулкдорларни эркин ва мустакил фаолият юритиш учун зарур бўлган ташкилий, иктисодий асосларни яратиб беришдир.

Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Президентимиз ўз маърузаларида қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилаб бердилар:

- қишлоқда турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;[1].

Ўзбекистонда чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликни қулга киритишда ва республиканинг бозор муносабатларига ўтишини таъминлашда мамлакат қишлоқ хўжалиги етакчи ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги-бу инсон ҳаёти учун зарур бўлган муҳим тармоқ ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳоли учун турмуш шароитини яхшилашни таъминлайдиган даромадлар манбаи ва табиий ресурсларни бошқаришнинг асоси бўлиб, қишлоқ турмуш тарзини сақлаб туришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Шунинг учун ҳам Қашқадарё вилояти иқтисодиётини юксалтириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг аҳамияти катта.

Бугунги кунда аҳоли турмуш даражасини ошириш бевосита қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини шакллантиришни заруратга айлантирди. Бу жиҳатдан Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги субъектлари ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. таъминлаш учун қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш энг муҳим устивор вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳамда вилоятда суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги сабабли мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини, асосан фермер хўжаликларини ривожлантириш устувор йўналиш сифатида белгиланди. Маълумки, қишлоқ хўжалигида фермер ва фермер хўжаликларини ташкил этилиши қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик ва хусусий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш имконини беради. Чунки, “Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир”[2].

Муаммонинг урганганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигидаги асосий субъект ҳисобланган фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мамлакатимизнинг етук аграр иқтисодчи олимлар томонидан урганилган. Жумладан, А.К.Исмоилов, А.М.Жўраев, П.Р.Пўлатов, М.Т.Ризаев, Н.Тухлиев, С.Н.усмонов, А.С.Цамутали, Қ.А.Чориев, Қ.А.Хасанжонов, Р.Ҳ.Ҳусанов, Ф.Қ.Қаюмов,

3

[1] Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири), ЎзР 26.08.2004 й. 662-II-сон, 3-модда.

А.А.Шокиров ва бошқаларнинг илмий асар ва мақолаларида самарали изланишлар олиб борилганлигини ва чуқур ўрганилганлигини кўриш мумкин. Шу билан биргаликда тадқиқотчилар Н.Хушматов, У.Ғофуров А.Ражабов ва бошқалар томонидан фермер хўжаликларини самарадорлигини ошириш ёки уларда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш мавзулари бўйича номзодлик диссертация ишлари маълум бир худуд ва сохалар миқиёсида бажарилган.

Бироқ уларнинг тадқиқотларида қишлоқ хўжалиги субъектлари ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш муаммолари етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг асосий мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги субъектлари ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотнинг мақсадига мувофиқ қўйидаги вазифалар белгиланди:

- республикамиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди ва назарий асослаб берилди;
- хўжалик юритишнинг бозор шароитида қишлоқ хўжалигига ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йуналишлари тахлил қилинади;
- хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этишнинг асосий йўналишлари урганилади;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги

- қишлоқ хўжалик билан хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларни ташкил этишига таъсир этувчи омиллар урганилди ва таҳлил этилди;
- қишлоқ хўжаликда ижтимоий инфратузилмани иқтисодий, ташкилий ва хуқуқий механизм урганилди ва уларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;
- қишлоқ хўжалиги ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш буйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари бўйича тайёрланган илмий амалий тавсиялар кўп укладли аграр иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалиги субъектларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар, қишлоқ хўжалиги тармоғининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрнини мустахкамлашда муҳим ахамият касб этади. Таклиф ва тавсиялар фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасидаги иқтисодий , ташкилий ва хуқуқий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда, қишлоқ хўжалигини худудий ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

I-боб. Кишлок хужалигида инфратузилмани мохияти ва ахамияти.

1.1. Кишлок хужалигида инфратузилмани мохияти.

Республикамиз эркин бозор иктисодиётига боскичма-боскич утиши таъминланаётган йилларда мамлакат ахолисининг уртача сони бир йилда 310-320 минг нафарга ёки 1,3% фоизга усмокда. Шу билан бирга саноат корхоналарини сони ва ишлаб чикариш кувватлари хам йил сайин ошиб бормокда. Бу холат республикада хом-ашё, озик-овкатлар махсулотлари ва халк истеъмоли моллари ишлаб чикариш

ривожлантирилишини такозо этмокда. Бу муаммоларни ечиш учун энг аввало кишлок хужалик ишлаб чикариши ва у билан узвий боглик булган хизмат курсатиш хамда кайта ишлаш тармокларининг мутаносиб равишда ривожланишини таъминлашга эришиш, сунгра тайёр озик-овкат махсулотлари ишлаб чикарувчи ва уларни истеъмолчиларга етказувчи тармокларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иктисодий ва ижтимоий богланишини таъминлаш лозим.

Инфратузилма (лотинча “infra” – куйи, “struktura” – жойлашув, тузилиш) турли туман хизмат курсатувчи тармоклар комплекси: транспорт, алока, савдо, моддий техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, согликни саклаш, атроф мухитни химоя ва бошкаларни уз ичига олади.

Жахон тажрибасида инфратузилмалар ушунчаси XX аср бошларида биринчи бор харбий куролли кучларининг тулаконли фаолият юргизиши учун зарур булган объектлар ва иншоатлар мажмуаси сифатида муомалага киритилган. Гарб давлатлари тараккиёт боскичининг 1940 йилларига келиб инфратузилмани моддий ишлаб чикариш сохаларининг фаолиятига зарурий шарт-шароитлар яратувчи тармок ва муассасаларининг яхлит бир таркиби сифатида тушунишган. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб собик иттифок респбликалари, жумладан Узбекистон олимларининг илмий-тадкикот изланишларида ва амалиётда инфратузилманинг назарий-амалий муаммолари урганила бошланди.

Инфратузилма – барча иктисодий тизимнинг таркибий кисмларидан булиб, узининг курсатадиган куп киррали хизматлари туфайли халк хужалигининг барча тармок ва корхоналарининг ички иктисодий хукукий фаолиятини ташкил этишда асос булиб хисобланади. “Инфратузилма” комплекси – иктисодиётимизнинг бутун структураси таянадиган пойдевордир. Республиканинг бутун халк хужалик комплекси ишининг уйгунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек чет эл сармояларини жалб килиш ва узлаштириш имконияти бутунлай инфратузилма тизими ривожининг холатига ва даражасига боглик.

Демак, барча хукукий ва жисмоний шахсларнинг, умуман олганда бутун бир иктисодий тизимнинг фаолиятини бир маромда тухтовсиз ва самарали юргизиш учун уларнинг иктисодий-ташкилий ва хукукий шароитларининг таъминловчи институтлар тизими мавжуд булиши шарт. Шу уринда айтиш лозимки, режали иктисодиётга ва марказлашган бошкарув тизимига асосланган аввалги социалистик ишлаб чикариш даврида бу вазифаларни асосн давлат органлари, жумладан Республика Вазирлар Кенгаши, давлат режалаштириш кумитаси, давлат Марказий банки каби идоралар оркали бажарилар эди. Бу эса бозор институтларининг муносабатлари, талаб ва тамойиллари марказлашган режалаштириш ва бошкариш тизими ичида пайдо булиши мумкин эмас. Шу боис у даврда бозор инфратузилмаси тушунчаси ва унинг таркибини ташкил этувчи ташкилот хамда муассасаларнинг аксарият кисми мавжуд эмас эди.

Инфратузилма ишлаб чикариш, технологик, иктисодий ва ташкилий алокалар жараёнида вужудга келадиган реализация оркали Агросаноат мажмуаси (АСМ)нинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чикариш кучларининг булинмас кисми хисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва АСМ нинг пировард махсулоти микдоран куп ва сифатан юкори булишга йуналтирилган. Кишлок хужалиги махсулотининг ялпи ишлаб чикарилиши охир окибатда тармокнинг ишлаб чикариш фондлари, айланма маблаглари, мехнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси билан бирга хизмат килувчи тузилмаларнинг ривожланганлик даражасига боглик. Улар жумласига агрокимё, зооветеринария, ахборот консалтинг хизматларига алохида эътибор каратилмокда.

Инфратузилма жумласига кирадиган тармоклар ишлаб чикариш жараёнига бир хилда таъсир курсатмайди ва жамият ишлаб чикаришида узига хос урин эгаллайди. Шу туфайли инфратузилма тармокларини асосий курсаткичлари буйича туркумланиши

алохида элементлари билан бирга бутун тармокларнинг жамият ишлаб чикариш тизимидаги уринларини белгилашга ёрдам беради. У тармокларарo алокаларни урганишга ва асосий ишлаб чикариш билан хизмат курсатиш тармоклари орасида оптимал мувозанатни белгилашда кумаклашади.

Куриниб турибдики, кишлок хужалигини баркарор равишда ривожлантириш, самарадорлигини юксалтиришучун уни янги кишлок хужалик машиналари, техникалари, транспорт ва кимёвий воситалар, минерал угитлар, ёкилги мойлаш материаллари курилиш материаллари, озука моддалари билан тулик ва мутаносиб равишда таъминлаб, мустахкам моддий-техника базасини барпо этиш керак. Демак, кишлок хужалигининг келажакдаги ривожи даставвал унинг учун зарур булган ишлаб чикариш воситалари ишлаб чикарувчи саноат тармоклари фаолиятига бевосита, шунингдек аграр соханинг равнаки унга хизмат курсатувчи, яъни кишлок хужалиги корхоналарини ишлаб чикариш воситалари билан таъминловчи, тармокдаги машина-трактор ва бошка техникаларни таъмирловчи, хужалик объектларини курувчи, ирригация-мелиорация ва кимё, транспорт хизматларини бажарувчи тармоклар фаолиятига хам богликдир.

Юкоридагилардан маълум булишича, Республика фукароларининг тайёр озик-овкат ва ноозик-овкат махсулотларига булган талабининг тулик кондирилиши бу муаммо хал этилишини таъминлашда катнашувчи барча тармоклрга турли хилдаги ишлаб чикариш воситаларини ишлаб чикарадиган саноат тармоклари, кишлок хужалиги, унга хизмат курсатувчи, кишлок хужалик махсулотларини кайта ишлаб, тайёр махсулот даражасига етказувчи ва уларни истеъмолчига етказиб берувчи барча тармокларнинг техникавий, технологик, иктисодий хамда ижтимоий богланишини объектив холда такозо этади. Шунинг учун улар максадга мувофик равишда жойлаштирилиб, ихтисослаштирилиб, халк хужалиги микёсида мехнат таксимоти амалга оширилишини таъминлаши зарур.

Республика агросаноат мажмуасида максадга эришиш куйидаги асосий вазифаларни ечилишини такозо этади:

- агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоклар максадга мувофик холда ташкилий, технологик, техникавий, иктисодий ва ижтимоий жихатдан узаро узвий богланишини таъминлайди;
- мажмуа таркибидаги корхоналарни барча омилларни эътиборга олган холда максадга мувофик окилона жойлаштириш;
- уларнинг ихтисослашувини ва инреграциялашувини таъминлаш;
- самарали фаолият курсатишини таъминлаш максадида барча корхоналарни замонавий техникалар билан жихозлаш, уларда илгор технологияларни жорий этиш;
- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ихтиёридаги барча ресурслардан (табиий, капитал, мехнат) тадбиркорлик билан окилона фойдаланиб, ишлаб чикариш жараёнларини автоматлаштириш, мехнизациялаш, электрлаштириш ва кимёлаштириш оркали доимий ва узгарувчан харажатларни камайтириб, экологик талабларга жавоб берадиган махсулотларни зарур микдорда ишлаб чикариш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериб, купрок фойда олишни таъминлаш ва бошкалар.

Агросаноат мажмуаси максад хамда вазифаларидан келиб чиккан холда унинг таркиби куйидаги 4 та бугиндан ташкил топиши мумкин:

1. Агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар учун ишлаб чикариш воситаларини ишлаб чикарувчи саноат тармоклари. Улар таркибан кишлок хужалик машинасозлиги, тракторсозлик саноати, кимё саноати, нефт махсулотлари саноати, микробиология саноати, озик-овкат, курилиш материаллари саноат ва бошкалардан

ташкил топади. Уларнинг кулами, айникса, машинасозлик саноати тармоклари республикадаги барча омилларни эътиборга олган холда чекланган.

Шу бугиндаги тармокларнинг асосий максади-агросаноат мажмуаси таркибидаги, хусусан, кишлок хужалиги ва унга ирригация-мелиорация, техника таъминоти ва таъмирлаш, кимёлаштириш, зооветеринария хизматларини курсатувчи хамда кишлок хужалик махсулотларини кайта ишловчи пахта тозалаш саноати, дон махсулотлри, мева-сабзавот, гушт-сут саноати, енгил ва озик овкат саноати корхоналари ва нихоят тайёр махсулотларни етказиб беришда зарур булган ишлаб чикариш воситалари (машина, трактор, кимё воситалари, озука моддалари) билан таъминлашдир. Демак, биринчи бугин таркибидаги тармоклар ривожланишини таъминлайдиган моддий техника базасини барпо этишга улкан хисса кушади.

2. Агросаноат мажмуасининг асосий бугини хисобланган кишлок хҳжалигидан ташкил топади. Унинг барча тармоклари усимликчилик ва чорвачилик тармокларида саноат тармоклари учун хом-ашёлар (пахта хом-ашёси, бошокли донлар, каноп, зигир, канд лавлаги, жун, тери, кунжут, узум) ахоли истеъмоли учун эса гушт, сут, сабзавот, полиз, мева махсулотлари етиштирилади. Бу бугин кишлок хужалиги агросаноат мажмуасининг асосий яъни марказий тармоги хисобланади.

3. У кишлок хужалигини ташкил этиш хамда унинг ривожланишига хизмат курсатадиган тармоклар, жумладан, экинларни, чорва молларини сув билан таъминлайдиган, ерларнинг мелиоратив холати яхшиланишини таъмин этувчи чора-тадбирлар тизимини амалга оширадиган сув хужалиги тармоги; кишлок хужалигида фойдаланаётган барча техникаларга сервис хизмати курсатадиган тармок; тармокка зооветеринария хизмати, шунингдек, хашоратларга, зараркунандаларга, бегона утларга карши курашиш максадида кимёвий хизмат курсатадиган сохаларни уз ичига олади.

4. Унга кишлок хужалик махсулотларини кайта ишловчи, сакловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоклар, жумладан, пахта тозалаш, донни, канопни, канд лавлагини, гушт ва сутни, тамакини, сабзавот ва полиз махсулотларини, мева, узумни ўайта ишлаш, енгил ва бошка саноат тармоклари; бозор талабини эътиборга олган холда тайёр махсулотларни улгуржи ва чакана холда етказиб берадиган савдо тармоклари киради.

1.2. Қишлоқ хўжалигини баркарор ривожлантиришда ижтимоий инфратузилмаларнинг ахамияти.

Қишлоқ хўжалигидаги барча тармокларнинг ривожланишини таъминлаш максадида банк, сугурта, инвестиция, солик, лизинг, согликни саклаш, таълим-тарбия, маънавий, маданий, санъат, коммунал хизматларни амалга оширадилар. Шунинг учун барча мажмуалар уртасидаги муносабатлар узаро манфаатли холда амалга оширилгани маъкул.

Агросаноат мажмуасининг максадидан келиб чиккан холда унинг ишлаб чикариш жараёнида узаро узвий богланган куйидаги боскичлар мавжуд:

- агросаноат мажумаси таркибидаги тармоклар учун ишлаб чикариш воситалари ишлаб чикариш;
- кишлок хужалик махсулотлари ишлаб чикариш;
- мажмуада такрор ишлаб чикариш жараёнида ишлаб чикариш техникавий ва технологик хизматлардан фойдаланиш;
- кишлок хужалик махсулотлариан озик-овкат хамда истеъмол товарлари ишлаб чикариш;
- озик-овкат хамда халк истеъмоли товарларини истеъмолчиларга етказиб бериш;

Республика агросаноат мажмуаси таркибидаги тармокларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иктисодий хамда ижтимоий узаро богланиши, яъни интеграциялашуви натижасида мехнат таксимоти амалга оширилмокда. Бу холл агросаноат мажмуаси ихтиёридаги барча ресурслардан, шу жумладан, чекланганларидан хам самарали фойдаланишини таъминлашга, техника ва технологияларни ривожлантиришга, ишлаб чкариш жараёнларини механизациялаштиришга, автоматлаштиришга, электрлаштиришга компьютерлаштиришга хамда тармокларни бошкаришни такомиллаштиришга каратилган. Улар талаб даражасида амалга оширилиши натижасида харидоргир, ракобатбардош озик-овкат хамда халк истеъмоли моллари ишлаб чикариш хажми ортади. Улар истеъмолчиларга сифатли ва кулай усуллар билан таъминланиши даражаси ортиб, мажмуа таркибидаги тармокларнинг фойдалари купаяди. Натижада агросаноат мажмуасининг иктисодий самарадорлиги юксалади.

Агросаноат мажмуасининг иктисодий самарадорлик даражасини катор курсаткичлар ёрдамида аниклаш мумкин.

Жумладан, Республика агросаноат мажмуасининг ялпи махсулоти. У мажмуа таркибидаги тармоклар корхоналари бир йил мобайнида ишлаб чикарган тайёр махсулот ва курсатилган хизматлар микдоридан ташкил топади. Ялпи махсулотнинг микдори хар бир тармок буйича абсолют, яъни натурал курсаткичлар ёрдамида хисобланади. Бу курсаткич ёрдамида агросаноат мажмуасидаги тармоклар ялпи махсулотининг микдори алохида-алохида аникланиб, аввалги цикллардаги ракамлар билан таккосланиб, тармокларнинг кандай холатдалиги аникланади.

Ялпи махсулот кийматини хисоблашда махсулотларнинг бир неча марта хисобга олинишини бартараф этиш максадида, агросаноат мажмуасининг барча тармокларида яратилган киймат суммасини хисобга олиш максадга мувофикдир. Чунки кушилган киймат – бу, корхона томонидан ишлаб чикарилган махсулот кийматидан етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол килинган хомашё ва материаллар киймати (амортизация суммасидан ташкари) чикариб ташлангандан сунг колган кисмининг бозор бахоларидаги кийматидир. Мажмуа ялпи махсулотининг хакикий бахоларидаги кийматини республика ялпи миллий махсулоти таркибидаги салмогини аниклаб, унинг мамлакат иктисодиётидаги улуши ва узгаришини хам аниклаш мумкин. Агарда агросаноат мажмуаси ялпи махсулотининг республика ялпи миллий махсулотидаги салмоги усаётган булса, ялпи миллий махсулот ошган холда мажмуанинг мамлакат иктисодиётидаги урни юксалаётганлигидан далолат беради.

Агросаноат мажмуаси барча валюта тушумини республика жами валюта тушумига нисбати билан мажмуанинг салмогини аниклаш мумкин. Хозирги даврда бу курсаткичнинг салмоги 60 фоизга якинлашиб колган. Шундан 24-26 фоизини пахта толасини сотишдан олинаётган валюта ташкил килмокда.

Хозиргача ишлаб чикарилаётган пахта толасининг 95,3 фоизи четга экспорт килинмокда. Шунинг натижасида сезиларли микдордаги валюта республикага олиб келинмокда.

Кишлок хужалиги ишлаб чикариши иктисодий самарадорлигини характерлашда натурал ва киймат курсаткичлари тизимидан фойдаланилади. Самарадорликнинг натурал курсаткичлари кишлок хужалиги усимликлари хосилдорлиги ва хайвонлар махсулдорлиги хисобланади. Натурал курсаткичлар киймат курсаткичларни: ялпи ва товар махсулот, ялпи ва соф даромад, фойда ва ишлаб чикариш рентабеллигини хисоблашда асос саналади.

Ялпи махсулот – маълум давр мобайнида яратилган барча кишлок хужалиги махсулотларининг пулдаги ифодаси , товар махсулот эса, сотилган махсулотдир.

Ялпи даромад (ЯД) – ялпи махсулот (ЯМ) киймати билан ундаги моддий сарфлар (МС) орасидаги фарклар:

ЯД = ЯМ – МС

Соф даромад (СД) ялпи махсулот кийматидан ишлаб чикариш харажатлари ёки унинг таннархини айириб ташлаш йули билан аникланади:

СД = ЯМ – ТМ

Кишлок хужалиги ишлаб чикаришининг иктисодий самарадорлигини умумлаштирувчи натижа рентабелликдир. Рентабеллик даражаси (Р) фойданинг махсулотнинг тулик (тижорат) таннархига нисбатан % даги киймати сифатида хисобланади. Бу курсаткичлар бутун кишлок хужалигининг самарадорлигини характерлашда хам, тармок самарадорлигини ифодалашда алохида махсулот буйича хам кулланилади.

Агросаноат мажмуаси тармоклари корхоналарида фойдаланилаётган, сарфланаётган ишлаб чикариш фондларининг, килинаётган харажатларнинг самарадорлиги. Бу курсаткичларни аниклаш учун агросаноат мажмуасининг ялпи махсулотини, миллий махсулотини хамда соф фойда суммасини ишлаб чикариш фондларига, харажатлар суммасига таксимлаш зарур. Шунда 1 сумлик ишлаб чикариш фондлари, харажатлар эвазига олинган ялпи махсулот, миллий махсулот хамда соф фойда суммаси аникланади. Агарда бу курсаткичларнинг мутлак (абсолют) микдори ошиб борса, у холда бу фондларнинг, харажатларнинг иктисодий самарадорлиги ошаётганлигидан далолат беради.

Агросаноат мажмуаси тармокларининг, корхоналарнинг рентабеллик даражасини аниклаш учун тармокларнинг, корхоналарнинг соф фойдасини жами харажатлар суммасига таксимлаб, натижани 100 га купайтириш лозим. Бу курсаткич фоизда аникланади.

Агросаноат мажмуи моддий техника базасига етарли даражада ахамитя берилмаганлиги техника, угит, капитал маблаглар ажратилмаганлиги туфайли хозирги холатга тушди. Чунончи, кейинги йилларда АСМ га халк хужалигига сарф этилган капитал маблагларининг 30-32%и ажратилган.

Агросаноат ишлаб чикариши самарадорлиги пастлиги, ривожланмаганлиги асосий сабаблардан бири Агросаноат мажмуасининг алохида сохаларини моддий-техника билан таъминлаш жараёнидаги номуносиблик, соха тармокларининг алохида махкама ва вазирликларга буйсуниши, улар уртасидаги узаро номувофик алокаларни бартараф этиш учун тармоклараро ягона такрор ишлаб чикаришни ривожлантириш занжирининг йуклигидир.

Бунинг сабаби шундаки соха тармоклари уртасидаги алокалар узаро иктисодий манфаатдорлик асосида йулга куйилмаган. Моддий-техника базаси етарли даражада ривожлантирилмаган.

Юкорида таъкидлаб утилганидек, кишлок хужалигида ишлаб чикариш натижалари об-хаво ва иклим шароитларига караб йиллар буйича узгариб туради. Шу сабабли, бу сохада такрор ишлаб чикаришнинг бир маромда кечишини таъминлаш купинча фондларни барпо этиш ва саклаб туришни талаб этади. Шунинг учун фавкулодда холларда ишлатиш учун озука, уруглик ва иш хаки захира фондларини ташкил этиш лозим.

Бозорни бошкариш, дастлаб бевосита юкори пировард натижаларга эришиш – кишлок хужалиги ва агросаноат мажмуи таркибидаги бошка тармоклар уртасида баланслашган мутаносибликни ургатишдир. Шу муносабат билан давлат бошкарув идоралари ва агросаноат таркибидаги хужалик (корхона, ташкилот)лар ишчи аппарати ходимларининг барча бошкрув боскичларидаги урни ортиб борди.

Давлат бошкарув идораларининг агросаноат мажмуида хужалик механизмини тартибга солишдаги роли бевосита иктисодий дастаклар ва моддий рагбатлантириш оркали усиб боради. Таъкидлаш жоизки, давлат томонидан бошкаришни тартибга

солиш, назаримизда, маълум вазифадан ташкил топмоги лозим. Улар куйидагилардан иборат:

- бюджет, кредит ресурсларидан ва давлат томонидан хужаликларга бериладиган ёрдам маблагларидан окилона фойдаланиш;
- кишлок хужалиги ва бошка тармоклар уртасидаги бахолар мутаносиблигини саклашга каратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- республика ва унинг минаткалари буйича озик-овкат фондини яратиш, кишлок товар ишлаб чикарувчилари учун маркетинг хизматини ташкил этиш;
- самарали инвестиция, инновация ва институционал сиёсатни олиб бориш;

Хозирги пайтда агросаноат мажмуини бошкаришда катор камчиликлар мавжуд, хусусан:

- агросаноатда ишлаб чикаришни тартибга солишда, айникса, тармокларарo муносабатларга таъсир этишда ва кишлок хужалиги хамда саноат корхоналари уртасидаги эквивалент алмашувида давлатларнинг иштирок этмаётганлиги;
- ислохотларни жорий этишда минаткавий хусусиятлар ва мавжуд кишлок хужалиги ишлаб чикариш инфратузилмаси хисобга олинмаётганлиги;
- аграр сохани кайта ташкил этишда ижтимоий омилларни, хусусан, мехнатга кобилиятли ходимларни иш билан таъминлашга каратилган тадбирларнинг хаётга секин жори этилаётганлиги.

Хориж ва мамлакатимизда тупланган тажрибалар шуни курсатмокдаки, бозорнинг шаклланиш жараёни усиб бориши билан хужалик субектлари томонидан иктисодиётни бошкариш омилларининг ахамияти хам ортиб боради. Купгина мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, бозор муносабатлари ривожланиши билан давлатнинг агросаноат тизими ва унинг алохида тармокларига максадга мувофик равишда таъсир этиш зарурати сакланиб колади.

Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида кишлок хужалиги корхоналарини ислох килиш ва шу асосда дехкон мехнатининг нуфузини ошириш кишлок хужалигини сифат жихатдан янги асосларда кайта тиклаш, озик-овкат муаммосини хал этиш, мамлакатимиз кишлок жойларида кулай иш хамда турмуш шароитларини таъминлаш энг асосий масалаларидан бири булиб белгиланган. Юртбошимиз уз нуткида таъкидлаганидек: “Кишлокни янгилаш ва кайта куриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чикариш ва ижтимоий инфртузилмани жадал ривожлантириш жуда катта ахамиятга эга”[3].

Узбекистон иктисодий ислохотлар натижасида карор топаётган иктисодий муносабатлар таъсири остида кишлок хужалигид бандликнинг сон жихатдан мутлак ва нисбий кискаришига мойиллиги кузатилади. Бушаган мехнат воситаларини сервис ва кайта ишлаш сохасига йуналтирилиши шарт.

Айнан шунинг учун хам ушбу масалани тулик хал этиш кузда тутилиб, кишлок жойларида кичик ва урта бизнесни ривожлантиришнинг Давлат дастури кабул килинди. Белгиланган дастурни амалга ошириш кишлок хужалиги махсулотлари етиштирувчиларга хар томонлама хизмат курсатиш ва уларнинг хизматларига булган талаби тулик кондирилиши учун илмий асосланган инфратузилмани яратиш оркали куллаб кувватланади.

Инфратузилма элементларининг характерини куп томонлама хисобга олган холда уни конкрет хусусияти буйича туркумлаш мумкин эмас. Агросаноат мажмуа

10

[3]И.А.Каримов Узбекистон иктисодий ислохотларни чукурлаштириш йулида. – Тошкент, “Узбекистон” 1995 йил, 73-бет.

инфратузилмаси элементларини куйидаги турт хусусияти оркали туркумланиши мумкин:

- ишлаб чикариш жараёнига таъсири даражаси билан;
- худудий;
- тармок;
- функционал йуналтирилганлиги буйича;

Агросаноат мажмуа инфратузилмасини ишлаб чикариш жараёнига таъсири даражаси буйича куйидаги икки гурухга булиш мумкин:

- ишлаб чикариш:
- ижтимоий.

Ишлаб чикариш инфратузилмаси иктисодий самарадорлигининг асосий курсаткичи объектлар ишлаб чикариш харажатларининг уз-узини коплаши хисобланади. У куйидаги формула оркали аникланади:

КИ = К ёки Б / МИ

Бу ерда:

КИ – ишлаб чикариш инфратузилмасига кетган харажатларнинг уз-узини коплаши:

К ёки Б – кишлок хужалиги махсулотининг киймати:

МИ – ишлаб чикариш инфратузилмасининг ишлаб чикаришга кетган моддий харажатлари;

Ишлаб чикариш инфратузилмаси ишлаб чикариш маблаглари хамда уларнинг узок муддат ишлашини таъминлайдиган тармокларини уз ичига олади. Ишлаб чикариш инфратузилмаси таркибига бевосита кишлок хужалигига хизмат курсатувчи шахобчалар киради: ишлаб чикаришга йуналтирилган транспорт, таъмирлаш устахоналари, омбор хужаликлари, коммуникация тизими ва телеграф, алока, электроэнергия узатиш линиялари, илмий ишлаб чикариш лабораториялари, хисоб-марказлари. Бундай хизматларга усимлик мухофазаси, агротехника, ветеринария, техник таъмир, юридик ва бошка хизматлари киради.

Ишлаб чикариш инфратузилмасининг шаклланишига купгина омиллар таъсир килади. Уларнинг ичида тупрок-иклим шароити, худуд рельефи, сув билан таъминланиши, ер худуди конфигурацияси, йул холати, корхонанинг жойлашиши, кулланаётган технологиялар, ишлаб чикариш ихтисослашиши ва концентрациялашиш даражасига алохида эътибор берилади.

Кишлок хужалиги корхоналарида собик иттифок давридагига караганда хозирги вактда алоканинг урни ва ахамияти жуда мухимдир. Чунки, хужаликларнинг аксарият кисми узи етиштирган махсулотларнинг давлат буюртмасидан ташкари кисмини хохлаган ташкилот, фирмага ёки бозорда сотиши мумкин. Шу боис уларнинг бозор конъюктурасини урганиши ёки бахо тизими узгариб туришидан хабардор булишида, алока тизимининг энг замонавий ускуналаридан фойдаланишда хужаликлар етиштирган махсулотларни сотиш билан боглик булган жараёнларни имкон даржасида хал килишга кумаклашади.

Кишлок хужалигида иктисодий ислохотларини чукурлаштириш билан фермер хужаликларининг урни тобора мухим ахамият касб этаётганлигини хис килиши мумкин. Биноабарин, кишлок хужалигида асосий хужалик юритувчи шакл фермер хужаликлари ривожи билан чамбарчас боглик экан, барча саъйи-харакатларимизни ушбу истикболли тизимга хизмат килишга йуналтирмок лозим.

Фермер хужликларида ишлаб чикриш хажми усиши билан моддий техника ресурслари, керакли хом-ашё ва ёрдамчи материаллардан фойдаланиш хажми хам ошади. Хужаликларнинг электроэнергия, транспорт, алока воситаларига, махсулотни саклаш жойларига талаб ошади. Шунингдек, таъмирлаш техника хизматига, моддий-техника таъминоти ташкилотларига, мухандислик, зооветеринария, агрокимё хизмати

ва бошка хизматларга богликлик даражаси усади. Бу жараёнда самарали фойдаланишни ва истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган ташкилот ва тармокларнинг ривожланиши хам мухим ахамият касб этади. Умуман олганда, фермерлик харакатининг ривожланиши, унга хизмат курсатувчи тармокларга, яъни инфратузилмага боглик.

1.3. Қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмасининг ҳозирги ҳолати ва аҳамияти.

Жаҳон иқтисодий тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаш йўлида ривожланаётган Ўзбекистон давлати олдида турган муҳим стратегик йуналишларидан бири бозор инфратузилмасини шакллантириш ва унинг муассасалари фаолиятини такомиллаштиришдан иборат. Зеро, бозор инфратузилмаси ишлаб чикарувчи, хизмат курсатувчи ва истеъмолчилар уртасида кенг микёсда содир буладиган узаро муносабатларни мувофиклаштирувчи, уларга куп киррали хизматлар курсатувчи хамда шу билан бир каторда ишчи кучларини окилона жойлаштиришда мухим роль уйнайдиган турли муассасалар мажмуидир. Бу муассасалар фаолиятини ривожлантириш уз навбатида махсулот ишлаб чикаришдан токи уни истеъмолчига етказиш тизимини яратиш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг имкониятлар очиб бреши, хуқуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларини муттасил кўпайтириш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни талаб ва таклиф доирасида ташкил этиш, янги иш ўринларини барпо этиш, хақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш каби қатор бозор иқтисодиётига мос муаммоларни ҳал этишда кенг имкониятлар очиб беради.

Бироқ шуни айтиш лозимки, республикамизда, айниқса унинг қишлоқ жойларида, бозор инфратузилмасининг шаклланиш суръати паст, унинг муассасаларида фаолият юргизадиган малакали кадрлар тайёрлаш даражаси ҳали етарли эмас. Натижада ҳали вилоят ва туманлар ҳокимиятлари ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар раҳбар-мутахассисларида, айниқса аҳолида, бозор инфратузилмаси ва унинг муассасалари фаолиятлари йўналишлари, мақсад ва афзалликлари тўғрисида тушунчалар етарли даражада эмас. Бу эса ўз навбатида жойларда бозор инфратузилмасининг шаклланиш суръатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бу жараённи тезлатиш босқичма-босқич самарали амалга оширмасдан туриб қишлоқда тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун қонунлар доирасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли даромадини ошириш ва мамлакатимизнинг улкан экспорт салоҳиятидан фойдаланиш каби масалаларни ечимини топиш қийиндир. Шу боис ҳозирги давр талабига кўра бозор инфратузилмасига хос муаммоларни ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Бозор ифратузилмаси ҳуқуқий ва жисмоний шахс мақомидаги барча сотувчи (ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи) ва харидор (истеъмолчи)лар ўртасида содир бўладиган кўп қиррали бозор муносабатларининг бевосита иштирок этувчи, уларни вужудга келтирувчи, боғловчи, мувофиқлаштирувчи, бошқарувчи, назорат қилувчи, текширувчи, мақсадли йўналтирувчи ва ишлаб чиқаришдан токи истеъмол қилишгача бўлган жараёнларни бир текис ва тўхтовсиз кечиши учун шарт-шароитлар, имкониятлар яратиш мақсадида хизмат кўрсатувчи жавҳа ва муассасаларни ўз ичига олувчи бутун бир яхлит мажмуадир.

Демак, бозор инфратузилмаси таркибини ташкил этувчи субъект (ташкилот, корхона ва муассаса)лар нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳаларига, балки ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар доирасига кирувчи барча субъектларга ҳамда жисмоний шахсларга бир хил таъсир этиш хусусиятига эгадирлар ва шу сабабли ҳам улар жамиятнинг ҳар бир соҳа ва жабҳалари билан ўзаро алоқада бўладилар.

Бозор инфратузилмаси субъектларинингўзаро алоқаларини ва уларнинг халқ хўжалигини бошқа тармоқ ҳамда муассасалари билан интеграциясини ривожлантиришда бошқа тармоқ ҳамда муассасалари билан интеграциясини ривожлантиришда умумиқтисодий ва бозорнинг ўзига хос дастакларини жорий қилиш ўз навбатида давлат ва бозор бошқарув тизимларини муқобиллаштиришни талаб қилади. Бунинг учун бозор инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни, яъни:

- мажбурий давлат буюртмаси механизми ва ишлаб чиқаришни марказлашган тизимда ресурслар билан таъминлашни тугатиш;
- хусусий тадбиркорлик йўналишларини кенгайтириш;
- хўжалик юритиш субъектларига ўз ишлаб чиқариш молиявий фаолиятларини ташкил этиш ва юргизишда эркинлик ва мустақиллик бериш;
- банкротга учраш механизми ва талабларини қатъий амалга ошириш;
- жисмоний шахслар ва уларнинг муайян мақсадли гуруҳларига қонунчилик доирасида ўз фаолиятларини мумтақил белгилашларига шароитлар яратиш;
- товарлар бозорини шакллантириш учун зарур бўладиган муассасалар тизимини ташкил этишнинг қонуний асос ва йўналишларини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқлардан бўшайдиганлар ҳисобидан юксак касбий маҳоратга эга мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларни бозор инфратузилмаси муассасаларига малакалари бўйича жойлаштириш;
- аҳолининг ишга ва интелектуал қобилиятига эга қатламларининг мулкдорлик ҳуқуқларини тиклаш асосида жамиятнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий бўғинларида демократик бошқариш жараёнида иштирок этишлари учун кенг имкониятлар очиб бериш каби вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини куллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи сохалар фаолият турларинииуз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошкарув органлари, молия-кредит тузилиши ва бошкалар киради.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини ўрганишда унинг асоси қилиб олинган услубга кўра, таққослаш, текшириш, маълумотларни ишлаб чиқиш ва хоказоларнинг махсус усуллардан фойдаланилади. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш – молиявий фаолиятларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш жараёнида қўлланиладиган асосий вазифалар қуйидагилардир: таққослаш, статистик гуруҳлаш, ўртача ва нисбий кўрсаткичлар, занжирли боғланиш учуллари, математик усулларни қўллаш ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини юқорида қайд этилган усуллар ёрдамида ўрганиш хўжаликдаги фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш, уларни ишлаб чиқариш жорий этиш, иш фаолияти самарадорлигини ошириш имконини яратади. Бундан энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири таққослашдир. Бу усулда бир неча иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Жумладан:

- ҳисобот кўрсаткичлари режада келтирилган маълумотлар билан таққосланади;
- ҳисобот йилида эришилган натижалар кўрсаткичи бу борадаги ижронинг ўтган йилги маълумотлари билан солиштирилади;
- ишлаб чиқариш йўналишида бир неча йил давомида ўзгаришлар динамикаси аниқланади;

- қишлоқ хўжалиги бўлинмаларининг ишлаб чиқариш натижалари туман, вилоят ва республика бўйича эришилган кўрсаткичлар ҳамда фермер ва фермер хўжаликлари иш натижалари билан солиштирилади. Бу орқали ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш ва уларни жорий этиш чораларини белгилаш имконияти аёнлашади.

Таққослаш усули ёрдамида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўзаро узвий боғлиқ кўп кўрсаткичлар бир-бирига солиштирилади. Хусусан, ҳар гектар қишлоқ хўжалиги ери ҳисобига қанчадан даромад олиш, ҳар 100 га ер ҳисобига чорва маҳсулотлари етиштириш, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот таннархини, маҳсулот сотиш, қишлоқ хўжалигида товар маҳсулотлари ҳажми ўсишини, хўжаликларнинг даромадлари ва уларнинг тақсимланиши, техникадан фойдаланиш, меҳнат, ем-хашак балансини, хўжалик иқтисодиётининг ривожланиши ва бошқа кўрсаткичларни таққослаш мумкин.

Ҳар бир таққослаш ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш йўналиши учун зарур муаммоларни топишга имкон беради.

Айни таққослаш усулида фойдаланишда таққослаш учун солиштириш мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланиш керак. Масалан, бир неча йил давомида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги ўзгаришларни белгилаш учун ҳақиқий сотиш нархларини олиш керак эмас, балки бир бирликка келтирилган нархларда таққослаш зарур.

Гуруҳларга ажратилган услуб гуруҳлаш маълумотларини маълум белгиларга кўра, гуруҳларга бўлиш, демакдир. У статистик текширишнинг муҳим усули ҳисобланади. Унинг ёрдамида хўжалик тармоқлари, ҳосилдорлик, маҳсулот ҳажми, чорва моллари, маҳсулдорлиги ва бошқалар аниқланади.

Иқтисодий кўрсаткичлар сифат жиҳатдан бир хил бўлган гуруҳларга бўлинади. Кўрсаткичлар ўртасида бир-бирига боғланишлар борлиги, ўрганилаётган ҳодисаларнинг энг муҳими қайси бири эканлиги аниқланади. Ҳар хил омилларнинг ишлаб чиқариш натижаларига қай даражада, қандай таъсир қилиш белгиланади.

Статистик гуруҳлаш услуби қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларини аниқлаб беришнинг муҳим воситасидир. Унинг ёрдамида сифати бир хил бўлган кўрсаткичлар бир гуруҳга бирлаштирилади. Масалан, пахтачилик ишлаб чиқариш гуруҳлари ҳосилдорлик кўрсаткичига қараб гуруҳларга ажратилади. Гуруҳлар кўрсаткичига қараб, бригадаларда юқори ёки паст ҳосил омилларини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятига тўғри баҳо бериш ва тармоқни такомиллаштиришга оид тадбирларни ишлаб чиқиш, маблағлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда таҳлил ишларининг аҳамияти катта. Таҳлилни тўғри уюштириш учун таҳлил режасини ишлаб, мавжуд маълумотларни ўрганиш, олдиндан тешириш зарур.

Корхоналарда эса таҳлил ишларини ташкил этишни режа тузиш Билан якунлаб бўлмайди. Пухта тузилган режа ҳам имкониятлардан фойдаланиш ва ишчиларни режа бажарилишига йўллашни аниқлайдиган ташкилотчилик ишлари режа (бажарилишга) билан боғланмаса, мўлжалланган натижани бермайди. Шу сабали, унинг бажарилши назорат қилиб турилади. Назорат хўжалик иқтисодиётиниривожлантиришда имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ёрдам беради. Статистика соҳаси ходимлари ҳам иқтисодий таҳлил билан шуғулланади. Улар қабул қилинган ҳисобот маълумотларини сатистика усуллари билан қайта ишлаб, вазирликлар, бошқармалар ва корхоналарни йиғма ахборот маълумотлари билан таъминлайди. Комплекс таҳлилда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти чуқур ва ҳар томонлама ўрганилади. Унинг натижаси билан хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо берилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида таҳлил қилиш ишларини ташкил этишнинг асосий шакли иқтисодий таҳлил билан шуғулланувчи иқтисодий кенгашдир. Унинг асосий вазифаси хўжалик ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг маълум давр ичидаги иш натижаларини ҳар томонлама ўрганиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг жорий истиқболли режаларини ишлаб чиқишда қатнашиш, имкониятларни аниқлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлларини белгилашдан иборат.

Фермер хўжалигининг бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эхтиёжи бўлмаган ҳолларда ўша харажат тури учун кредитдан фойдаланишдан воз кечиш ҳуқуқига эга. Бунда тегишли ойда тежаб қолинган кредит фермер хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалашга йўналтирилиши мумкин.

II-боб. Қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш муаммолари.

2.1. Қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилма объектларининг аҳоли турмуш даражасининг ўсишига таъсири

Қишлоқни ислоҳ қилиш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш – хозирги босқичда аграр сиёсатнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Давлат қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш тарзини яхшилашга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барча бўғинларини малакали кадрлар билан таъминлашга, қишлоқ меҳнат ресурсларини тўлиқ ва унумли фойдаланишга, бандлик таркибини яхшилашга қаратилган сиёсатни амалга оширмоқда.

Республикамизда давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсади – жамиятда аҳолининг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган қулай ижтимоий муҳит ва шарт-шароитларни яратиш. Ушбу ижтимоий сиёсатнинг асосларини қуйидагилар ташкил этади:

- иқтисодий фаолият эркинлиги
- аҳолининг меҳнат фаолиятини ошириш
- аҳолини адресли ижтимоий ҳимоялаш
- аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш

Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб, иқтисодий барқарорлашиб борган сари аста секин аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолат бериш ва аҳолининг фақат муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш механизми яратилишига босқичма-босқич ўтила бошланди. Аҳолининг ҳамма қатламларини ёппасига ижтимоий қатлам ва гуруҳларга табақалаштириш билан алмаштирилди ва аҳолини адресли ижтимоий ҳимоялаш тизими шакллана бошланди. Бу тизимга: бюджет маблағлари ҳисобидан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларига нафақа тўлаш, қонуний равишда белгиланган энг кам миқдордаги иш ҳақи, пенсия тўлаш учун сафлаш аҳолининг муайян тоифасига бепул ижтимоий хизмат кўрсатишти таъминлаш; қатор ижтимоий хизматларни минимал даражада истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш ва бошқалар киради.

Биз 2.1. жадвалдан Косон тумани иқтисодий холатини тахлил қиламиз.

Қашқадарё вилояти Косон тумани иқтисодий холати

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.1	**Туман (шаҳар) нинг умумий майдони (ер майдони)**	**кв км.**	**1,9**	**1,9**	**1,9**
	шу жумладан	га	187241	187241	187241
	Чегаранинг умумий узунлиги	км	286,5	286,5	286,5
1.2	**Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар**	**га**	**145925**	**149919**	**143941**
	Тоғли ерлар	га	-	-	-
	Чўлли ҳудудлар	га	1036	1036	1036
	Адирлар	га	-	-	-

	Тақир ерлар	га	-	-	-
	Яйловлар	га	65603	65603	65601
	Бошқа ерлар	га	80322	84316	78340
	Хайдаладиган ерлар жами	га	73333	73327	73324
	Суғориладиган ерлар	га	61450	61444	61444
	Лалмикор ерлар	га	11883	11883	11880
	Жами хайдаладиган ерлардан:	га	73333	73469	73469
	Шўрланган ерлар	га	11471	11471	11471
	Шу жумладан				
	-Кучли шўрланган ерлар	га	3,24	3,19	3,19
	-Ўрта шўрланган ерлар	га	8,79	8,76	8,76
	-Кучсиз шўрланган ерлар	га	36,30	35,39	35,39
	-Текширилмаган ерлар	га			
	Кўп йиллик дарахтзорлар	га	2391	2391	2391
	Шу жумладан мевали боғлар	га	812	816	846

Жадвалдан куриниб турибдики Косон тумани қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқишга туман хисобланади. Айниқса косон тумани чулли зона бўлгани учун чорвачилик билан шуғилланиш ахолини даромадининг манбаи хисобланади.

Иқтисодиёт эркинлаштирилаётган ва бозор ислоҳотлари чуқурлашиб бораётган босқичда кучли ижтимоий сиёсат тўлалигича устувор бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу борада: «Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган, беш тамойиллардан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак», - деб алоҳида таъкидлайди.

Қашқадарё вилояти Косон тумани ижтимоий холати кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	**Ўлчов бирлиги**	**2009 йил**	**2010 йил**	**2011 йил**
3.1	**Аҳоли пунктлари сони**	**бирлик**	62	66	66
	Шахарчалар сони (шахар типидаги посёлка)	бирлик	-	14	14
	Қишлоқ аҳоли пунктлари сони	бирлик	62	66	66
	Қишлоқ фуқаролар йиғини сони	бирлик	9	9	9
	Улардан маҳалла йиғинлари сони	бирлик	57	57	57
	Шундан маош олиб ишлаётган маҳалла қўмиталар раислари сони	бирлик	59	59	62
4. Иқтисодиётда банд аҳоли					

4.1	Жами	минг.киши	71,2	73,5	75
	шу жумладан				
	Кишлоқ хўжалигида	минг.киши	17,1	17,2	17,8
	Саноатда	минг.киши	3,8	3,9	3,9
	Қурилишда	минг.киши	9,9	11,1	11,2
	Транспортда	минг.киши	3,1	3,4	4
	Алоқада	минг.киши			
	Савдо, умумий овқатланиш моддий таъминот, тайёрлов корхоналарида	минг.киши	8,9	9	9,2
	Уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат	минг.киши	1,8	1,9	1,9
	Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	минг.киши	5,6	5,8	5,9
	Халқ таълимида	минг.киши	11	11,2	11,4
	Маданият ва саънат	минг.киши	2,8	2,9	3
	Суғурта, молия, ва нафақа жами	минг.киши	0,3	0,3	0,3
	Бошқарув органларида	минг.киши	1,2	1,2	1,2
	Бошқа соҳа ва тармоқларда	минг.киши	5,7	5,6	5,2

Аҳолининг даромадлар даражаси бўйича қутбланиши иқтисодиётнинг энг муҳим секторлари; таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда меҳнат рағбатлари ролининг муайян даражада пасайишига олиб келди.

Республиканинг ислоҳотларга қадар бўлган даврдаги иқтисодиётдаги собиқ совет маъмурий – буйруқбозлик тизими доирасида вужудга келганди. Унинг учун хос бўлган хусусиятлар аниқ кўринишда хом – ашё манбаи бўлганлиги, республикага халқ истеъмоли моллари етказиб берилишида марказга қарамлиги, амалда ишлаб чиқариш салоҳиятининг четдан келтирилган маҳсу3лотларга бутунлай боғлиқлиги ҳисобланган. Бу ҳусусиятлар биргаликда ривожланишнинг ижтимоий масалаларига бевосита таъсир кўрсатган.

Хомашё ишлаб чиқаришга ихтисослашганлик республика аҳолиси даромадларининг паст даражада бўлишини билдиради, чунки қайта ишловчи тармоқларда ва пировард маҳсулотлар ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг даромади доимо устун даражада хомашё тармоқларида банд бўлганларнинг даромадига нисбатан юқори бўлган.

Ислоҳотларнинг ўзбекча моделида, бозор иқтисодий қонуниятларига мувофиқ, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари биринчи навбатдаги масала бўлиб қолди, яъни бозор иқтисодиётининг шаклланиши уларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Унда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини яратиш бозор иқтисодиёти томон барқарор ҳаракатнинг ва мамлакатдаги ижтимоийғсиёсий барқарорликнинг негизи ҳисобланади.

Ислоҳотларнинг барча тамойилларида мавжуд бўлган бош хусусияти ижтимоий масалалар билан боҳликлигидир. Бу ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделларидаги тафовутларнинг илгари аниқланган мезонларига тўла мувофиқ келади.

Қашқадарё вилояти Косон тумани молиявий холати кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил
	Маҳаллий бюджет даромадлари	млн.сўм	24160,0	23513,6	36661,4
	Дотация миқдори	млн.сўм			0,0
	Маҳаллий бюджет харажатлари	млн.сўм	25953,4	34710,0	44885,2
	Шу жумладан				
	Ижтимоий-маданий тадбирлар	млн.сўм	18338,3	24099,8	31599,4
	Ижтимоий химоя	млн.сўм	6579,6	9167,5	10940,0
	Инвестициялар	млн.сўм	0	0	0,0
	Бошқа харажатлар	млн.сўм	1035,6	1442,7	2345,8
	Тижорат банклари томонидан ажратилган жами кредитлар	млн.сўм	17170,0	40129,1	30203,1
	Шу жумладан узоқ муддатли	млн.сўм	13818,0	30429,5	22478,3
	Боқиманда қарздорлик жами	млн.сўм	1867,4	2128,8	1529,2
	Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар тушуми	млн.сўм	24356,2	26557,2	38089,3
	Шу жумладан маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган қисми	млн.сўм	24160,0	23513,6	36661,4
10.2	**Бюджетдан ташқари жамғармалар даромади**	**млн.сўм**			
	Шу жумладан				
	Пенсия фонди	млн.сўм	15779,4	16153,9	27085,5
	Йўл фонди	млн.сўм	1165,3	1046,2	2698,8
	Мактаб таълимини ривожлантириш фонди	млн.сўм	1037,9	1106,7	1067,9
	Касаба уюшмалари фонди	млн.сўм	-	-	-
	Болалар спортини ривожлатириш фонди	млн.сўм	-	-	-
	Бандликка кўмаклашиш фонди	млн.сўм	-	-	-
	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди	млн.сўм	356,6	763,8	

Айни маҳалда, ислоҳотларнинг бошланишида ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда асосий юк давлат зиммасига тушади. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий ўзини -ўзи йўналтиришининг ички омиллари, унинг асослари бўлганлиги сабабли ишлай олмайди. Шунинг учун асосий масалаларни амалда бевосита давлат бошқаруви усуллари, жумладан, тўғридан-тўғри пул тўловлари, турли-туман имтиёзлар мажмуини вужудга келтириш, истеъмол моллари ва хизматлар нархидаги фарқларни қоплаш учун дотация бериш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг энг муҳим турларини тақсимлашнинг меъёрланган тизимидан фойдаланиш каби усуллар билан ҳал этиш мумкин эди. Энди эса қишлоқ хўжалиги узини таъминлаши керак.

Қашқадарё вилояти Косон тумани қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари

11. Қишлоқ хўжалиги					
	Кўрсаткичлар	**Ўлчов бирлиги**	**2009 йил**	**2010 йил**	**2011 йил**
	Амалдаги нархларда	млн.сўм	84272,6	121424,1	113100,2
	Шу жумладан				
	Дехқончилик маҳсулотлари	млн.сўм	51834,9	71028,6	67302,6
	Чорвачилик маҳсулотлари	млн.сўм	32437,7	50395,5	45797,6
	Таққослома бахоларда	млн.сўм	101855,6	107891,6	99798,3
11.1.1	**Пахта ҳом ашёсини етиштириш ва сотиш**				
	Прогноз	тонна	65856	65125	67800
	Амалда	тонна	74112	68223	71799
	Бажарилиши	%	112,6	104,7	105,8
	Ҳосилдорлик: прогонз	ц/га	27,2	26,6	27
	Амалда	ц/га	28,2	27,4	29,0
	Фарқи	ц/га	-1,0	-0,8	
	Фермер хўжаликлари	бирлик	937	724	724
	Фермерларга бириктирилган ер майдони	минг.га	95	57	68,6
	Хар бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони	га	102	79	95

Ўзбек моделида бош ислоҳотчи бўлган давлат ижтимоий фаровонлик, ижтимоий тинчлик ва барқарорликнинг кафили сифатида намоён бўлади. У ўзининг ижтимоий вазифасини бажар экан, молиявий ресурсларнинг асосий қисмини ижтимоий соҳани қўллаб қувватлшга сарфлайди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар турли-туман эди. Бироқ, даставвал улар учун асосийси озиқ-овқат товарлари нархларга дотациялар ажратиш, сўнг эса адресли ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ресурс ажратишдан иборат бўлганди.

Агар илгари ижтимоий қўллаб-қувватлаш оммавий тусга эга бўлиб давлат томонидан аҳолига сотиладиган озиҳ-овқат товарлари нархларига дотациялар жорий

этишдан иборат бўлган ва у ортиб бораётган трансфертлар билан қоплaнган бўлса, кейинчалик дотацияли нархлар фақат аҳоли фойдаланадиган истеъмол товарлари ва коммунал хизматларнинг чекланган доираси учун сақлаб қолинди. Бундай ҳолат бозор қонунлари ижтимоий соҳага ҳам жорий этила бошлагани билан изоҳланади-ки, бунда меҳнатга яроқли фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ўзини ўзи ҳимоя қилиши энг муҳим бозор қоидасига айланди.

Бозор ислоҳотларининг чуқурлашиб боришига мувофиқ тақсимот бозор қонунларининг амал қилиш соҳаси кенгайди; унинг моҳияти жамиятнинг жами меҳнати билан яратилган моддий неъматлар ва хизматлар иқтисодиётининг ҳар бир субъекти эга бўлган ресурслар миқдори ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигига асосан тақсимланади. Бу қонун боқимандаликни, бинобарин, иқтисодий муаммоларга истеъмол ёндашувни истисно этади. Ушбу қонунларнинг амал қилишига кўра, ижтимоий ҳимоя ўз объектини ўзгартиради ва жамиятнинг объектив ҳолатига кўра, қанчалик истамасин, истеъмол неъматлари билан ўзини ўзи минимал ҳажмда ҳам таъминлай олмайдиган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Аҳоли даромади ҳақида сўз юритганимизда, унинг турмуш даражасини белгилайдиган омиллар ҳақида тўхталиб ўтсак, улар қуйидагилардан иборат:

- Макроиктисодий омиллар – инфляция, солик ва пул-кредит сиёсати
- Аҳолиниг шахсий истеъмоли кўрсаткичлари
- Демографик ўсиш
- Иш билан бандлик даражаси, мехнат бозоридаги талаб ва таклиф, иш вактининг давомийлиги
- Иктисодий усиш
- Уй-жой ва коммунал хизматлар билан таъминланганлик
- Соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари
- Таълим даражаси
- Ижтимоий таъминот тизими

Аҳолиниг мавжуд даромади унинг ижтимоий фаровонлигининг индикаторидир. Аҳолининг иқтисодиёни ислоҳ қилиш таъсирида узоқ вақт давомида ўзгаришларга учраган пул даромадлари таркиби нисбий мувозанатга келди.

Ҳудуднинг ижтимоий иқтисодий табақаланиш даражаси

	Кўрсаткичлар	**Ўлчов бирлиги**	**2009 йил**	**2010 йил**	**2011 йил**
	Савдо шахобчалари сони	бирлик	183	193	231
	Умумий овқатланиш шахобчалари	бирлик	47	49	56
	Сартарошхоналар сони	бирлик	79	85	89
	пойафзал созлаш шахобчалари сони	бирлик	37	39	42
	Хаммомлар сони	бирлик	2	2	2
	Мехмонхоналар	бирлик	2	2	2
	Ўринлар сони	ўрин	48	48	48
	Шу жумладан				
	автомобиль ва бошқа техникаларни таъмирлаш корхоналари	бирлик	28	32	33
	Бошқа маиший хизмат	бирлик	257	276	305

	шахобчалари				
	АЁҚШлар сони	**бирлик**	15	16	18
	Шу жумладан				
	Бензин билан	бирлик	12	13	14
	Пропан гази билан	бирлик	3	3	4
	Бозорлар сони	**бирлик**	7	7	7
	Шу жумладан				
	Дехқон бозорлари	бирлик	4	4	4
	Буюм бозорлари	бирлик	2	2	2
	Курилиш материаллари бозори	бирлик	1	1	1
	Ҳуқуқий хизмат кўрсатиш идоралари	**бирлик**	6	5	6
	Натариал идоралар	**бирлик**	**2**	**2**	**2**
	Давлат	**бирлик**	1	1	2
	Хусусий	бирлик	1	1	
	Нотариуслар	**бирлик**	**3**	**2**	**2**
	Давлат	бирлик	2	2	2
	ЗАГС	бирлик	1	1	1

Аҳоли даромадларининг шаклланишига ташқи ва ички омиллар таъсир этади. Ташқи омилларга:

- Иктисодий ва жугрофий холат
- Табиий-иклимий шароитлар
- Табиий ресурслар
- Ахолии таркиби ва демографик салохият
- Молиявий таъминланганлик
- Ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши

Ички омилларга эса қуйидагилар киради:

- Ахолининг истеъмол ва сарф-харажатлари даражаси
- Пул жамгармалари
- Кучмас мулк ва уй хужалиги активлари
- Таълим ва саломатлик
- Иш билан бандлик каби кўрсаткичлар киради

Ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган маҳсулотлар ва хизматлар нархи механизмиорқали аҳоли даромадлари тартибга солинди, инфляция дврида эса – даромадлар индексация қилинди ва бошқалар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, оилаларнинг 80% дан кўпроғи ихтиёрида ер участкалари бор, аммо улар эгаларининг атиги 58% и бундан фойда олиш учун фойдаланмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишловчисига ижтимоий тенг турмуш шароитларини яратиш чора-тадбирлар тизимида қишлоқ аҳолисининг реал пул даромадларининг ошишига алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Бунинг учун унинг ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ҳам аҳоли, ҳам совдо-сотиқ учун фойдали бўлган турли хил шаклдаги фирма ва корхоналарни ривожлантириш лозим.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фермер ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш, маҳсулотларни реализация қилиш, шунингдек маиший соҳадаги фаолиятларни имтиёзли солиққа тортиш ва кредитлаш тартиби қишлоқ истеъмол бозорининг кенгайишига ижобий таъсир қилади.

Кенг истеъмол учун маҳсулотлар билан ўз-ўзини таъминлаш мақсадида қишлоқда ишлаб чиқариш ва тайёрлов мажмуаларни ривожлантириш минтақавий ва умумреспублика дастурини ишлаб чиқиш лозим. Унда озиқ-овқат саноатининг кичик ва ўрта қайта ишловчи корхоналарнинг кенг тармоқларини ташкил этиш, уларни замонавий ускуна ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш зарур.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида қишлоқ аҳолисини ижтимоий жиҳатдан табақаланишининг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фермер хўжаликлари, қишлоқ аҳолисининг асосий қисми учун берилган эҳтиёжларни қондирувчи муҳим манбани ташкил этмоқда. Бироқ, манбадан келадиган даромадга бозор омилларга таъсирчадир (нархларнинг ошиши, талаб ва таклифнинг ошиши, реализация каналлари ва бошқалар) шунинг учун у қайсидир даражада барқарордир, бозор иқтисодиёти шароитида эса бу таъсир кўчайиб боради.

Маълумки, бозор муносабатларининг ривожланиши қишлоқ аҳолиси бюджетини шаклланишида фермер хўжаликларнинг тутган ўрнига икки тарафлама таъсир этиш мумкин: ёки ошириш, ёки унинг аҳамиятини пасайтириш мумкин.

Аввалмбор, бу фермер хўжаликларида фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситалари ва хизматларнинг нарх нисбатларига боғлиқ бўлади. Лекин, хозирги шароитда ем-ҳашак, ёш молларнинг, ўғит, (ГСМ) иш қуроллари, бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда хўжаликни юритиш учун зарур бўлган химатларнинг нархлари доимий равишда ўсиб боришида ушбу хўжаликларни юритиш иқтисодий жиҳатдан фойдалибўлмай қолади. Вилоятда фермер хўжаликлар сони йил сайин ошиб бормоқда. 2000 йилга нисбатан 2004 йилда ушбу хўжаликлар сони 22,6 фоизга ўсиб ва 433975 тани ташкил этди, умуман ялпи қишлоқ хўжалигидаги улуши 49 фоизни ташкил этди, бонобарин, ширкат хўжаликларида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг 16,3 фоизи ва фермер хўжаликларда 34,7 фоизни ташкил этган.

Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фермер хўжаликларнинг жамиятда тутган ўрнини инобатга олган ҳолда, унинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, механизациялаштириш оширишда қишлоқ аҳолиси учун ишлаб чиқариш воситалари ва фермер хўжаликларини юритиш бўйича боғлиқ хизматларга бўлган имтиёзли нархларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Айни вақтда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Унинг соҳалари аҳолининг маънавий ривожланиш эҳтиёжларини, соғлиқни сақлашда, дам олиш, болаларни тарбиялашда, уй – рузғорни юритишда, умуман олганда ҳар бир киши , хар бир оила учун зарур бўлган эҳтиёжларни қондириб келмоқда. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва такомиллашига фаол таъсир этган ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳалари, шу билан бирга, муҳим ижтимоий – иқтисодий масалаларни ечишда кўмаклашади. У ўз таркибига қўйидаги соҳаларни, яъни пулли хизмат кўрсатиш турлари, ижтимоий таъминот, дам олиш масканлари, туризм ва спорт, таълим, маданият муассасалари, уй – жой коммунал хўжалиги ва бошқа шу каби хизматларни қамраб олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий инфратузилмани ривожланишини таҳлил этиш ва истиқболини белгилаш келажакда ушбу соҳаларни ривожлантиришнинг устиворйўналишларини ишлаб чиқишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

2.1.Хизмат кўрсатиш ва ижтимоий инфратузилма муассасалари тахлили.

Фермер хўжалиги фаолияти давомида кўплаб ташкилот ва муассасалар хизматларидан фойдаланади.

Хизмат кўрсатиш ва ижтимоий инфратузулма сифати кўрсаткичлари

Хизмат кўрсатиш ва ижтимоий инфратузулма сифати кўрсаткичлари					
	Кўрсаткичлар	**Ўлчов бирлиги**	**2009 йил**	**2010 йил**	**2011 йил**
	Хизмат турларинг ривожланиш даражаси (жами хизматлардаги улуши)				
	- савдо ва умумий овқатланиш	%	17,3	21,0	14,0
	- транспорт хизматлари	%	13,7	11,9	11,5
	- алоқа ва ахборотлаштириш	%	0,4	0,4	0,4
	- молия ва банк хизматлари	%	3,0	5,9	3,9
	- туристик ва экскурсион хизматлар	%			
	- мехмонхона хизматлари	%		0,008	0,007
	- комунал ва маиший хизматлар	%	16,0	13,3	12,0
	- автомобил ва техника таъмирлаш хизматлари	%	0,06	0,07	0,06
	Ахолининг ижтимоий инфратузулма билан таъминланганлик даражаси				
	1 кишига тўғри келадиган уй-жой	кв.м	7,7	7,7	8,0
	Ичимлик суви	%	85,6	84,4	83,8
	Табиий газ	%	71,4	62,1	62,5

Банк ана шундай муассасаларнинг энг асосийларидан бири ҳисобланади. Хозирги кунда Ўзбекистонда 30 дан ортиқ тижорат банки фаолият кўрсатмоқда. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқаришга тегишли барча пул маблағлари банк орқали ҳаракатланади. Фермер ўзига зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурсларини банк орқали пулини тўлаб сотиб олади. Ёки ишчиларига берадиган иш ҳақини ҳам банкдаги ҳисоб рақамида турган пулидан олиб келиб беради.

Банк фермер хўжалигига хизмат кўрсатувчи ташкилот хисобланади.ю у ана шу кўрсатган хизматига маълум бир миқдорда хизмат ҳақи олади. Банк билан фермер хўжалиги ўртасида хизмат кўрсатиш бўйича ўзаро шартнома тузилади. Мазкур шартномада банк ҳамда фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади. Ана шу шартномага мувофиқ банк фермер хўжалиги маблағларининг дахлсизлигини сақлаш, зарурият бўлганда фермер томонидан пул ўтказмаларини амалга ошириш, иш ҳақи учун нақд пул билан таъминлаш ва бошқа мажбуриятларни олади. Банк шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаса, фермер суд орқали уни жавобгарликка тортиши ёки ўз хисоб рақамини бошқа тижорат банкига кўчириши мумкин.

Фермер хўжалиги ўз жойлашган ўрнидан қатъий назар ҳоҳлаган жойдаги тижорат банкида ўз хисоб рақамини очиши мумкин.

Фермер хўжаликлари фаолиятида учрайдиган энг катта қийинчиликлардан бири кўпинча уларда етарли миқдорда маблағ мавжуд эмаслигидир. Бу муаммони ҳал қилишнинг асосий йўлларидан бири кредит олиш ҳисобланади.

Ўзбекистондан барча тижорат банклар ва бир қатор жамғармалар фермер хўжаликларига кредит бериш билан шуғулланадилар. Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб қувватлаш Жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирлигининг Иш билан таъминлашишга кўмаклашувчи Жамғармаси ана шулар қаторига киради.

Кредитларни шартли равишда 2 турга, яъни тижорат ва имтиёзли кредитларга бўлиш мумкин.

Шу билан биргаликда давлат буюртмаси бўйича пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун тижорат банклари томонидан қисқа муддатли имтиёзли кредитлар ҳам берилмоқда.

Тижорат кредитларининг йиллик фоиз ставкалари нисбатан юқори бўлиб, агар зарур бўлмаса ундан фермер хўжалигида фойдаланмаган маъқул. Чунки қишлоқ хўжалигида бир йилда бир марта ҳосил олинади ва демак олинган кредит ҳам бир мирта айлантирилади.

Жамғармалар томонидан бериладиган кредитларга тўхталиб ўтамиз. Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фақат фақат Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига аъзо бўлган фермерларга имтиёзли кредит бериш билан шуғулланади. Мазкур жамғарма фермер хўжаликларига тўғридан-тўғри эмас, балки тижорат банклари орқали 3 йилгача бўлган муддатда беради. Кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси Марказий банк ҳар йили белгилайдиган қайта молиялаштириш ставкасининг 1/3 қисмини ташкил этади (масалан, 2007 йилда 6%). Жамғарма фермер хўжаликларига деҳқончилик, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантиришга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар барпо этишга, қишлоқ хўжалик техникалари, минерал ўғит, омухта ем, уруғлик ва кўчатлар сотиб олишга ва янги ташкил қилинган фермер хўжаликларига (ташкил бўлганидан 6 ойгача) бошланғич сармоя шакллантиришга имтиёзли кредитлар беради.

Фермер хўжалигинингжамғармадан кредит олиш тартиби 2-расмда кўрсатиб ўтилган.

Фермер хўжалиги Жамғарма кредит линиялари ҳисобига кредит олиш учун ўзи мижоз бўлган банкка ариза тақдим этади. Барча зарур хужжатлар тақдим этилгандан сўнг, банкнинг туман бўлими бу хужжатларни ариза берилган санадан бошлаб 5 иш куни муддатида кўриб чиқиб, кредит қўмитасининг ижобий хулосаси билан бирга банкнинг вилоят бўлимига кўриб чиқиш учун юборади.

Банкнинг вилоят филиали мазкур хужжатларни 10 иш куни муддатида кўриб чиқиб, агар эътирозлар бўлмаса, хужжатларни ўзининг кредит қўмитасининг хулосаси билан бирга Банкнинг Марказий маҳкамасига кўриб чиқиш учун юборади.

Банк Марказий маҳкамаси эса бу хужжатларни 5 иш куни муддатида кўриб чиқиб, агар хужжатларга эътироз бўлмаса, Жамғармага лойиҳани молиялаштириш учун кредит линиясини очиш хақида буюртма хатини юборади.

Жамғарма ўз навбатида тақдим этилган буюртманомани 1074-сонли Низом талаблари асосида кўриб чиқади ва банк билан Жамғарма ўртасида кредит шартномаси имзоланиб, банкнинг махсус хисоб-рақамига мазкур лойиҳани молиялаштириш учун тегишли миқдордаги маблағ ўтказилади. Бу маблағ вилоят банки орқали туман банк филиалига, яъни фермернинг ҳисоб-рақами очилган банкка юборилади.

Ўз ишини бошловчи фермер хўжаликларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш мақсадида кредит олиш учун давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 6 ой ичида тегишли буюртманомалар билан ўзларига хизмат қилувчи банкларга мурожаат қилишлари лозим.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияларидан олинган дастлабки (бошланғич) сармоя фермер хўжаликларининг фаолиятини бошлаш учун айланма

маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашини ишлаб чиқишга, асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтирилиши мумкин.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун бериладиган кредитларнинг йиллик устама фоизи имтиёзи бўлиб, у Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдорида белгиланган. Дастлабки (бошланғич) сармоя учун кредит фермер хўжаликларига 3 йилгача бўлган муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баровари миқдоригача, фоизлар тўлашни 12 ойгача кечиктириш ва асосий қарзни кредит олинган сўнг 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида берилади.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган ва Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган 902-, 903-, 907- тартиблар асосида ажратилади.

Кредитлар ва уларнинг фоизларини қайтариш кредит шартномасининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланган кредитни қайтариш жадвал асосида амалга оширилади. Банк бўлимлари томонидан кредит ажратилган кундан бошлаб фоиз тўловлар ҳисоблаб борилади. Қайтариш жадвалига асосан ҳисобланган фоизлар имтиёзли давр тугагандан сўнг мижоз томонидан тўлиқ тўлаб берилиши талаб этилади. Тижорат банклари кредит линияси ҳисобидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга берилган кредитлар суммасига ҳисобланган фоизларини кредит линияси очилган кундан бошлаб 12 ой муддат ўтгандан кейин тўлашни бошлайди.

Тижорат банклари фермер хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси Маркази банки томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 мартда рўйхатга олинган 907-сонли тартибга асосан кредит беришни амалга оширадилар.

Мазкур тартиб асосида фермер хўжаликларига, шунингдек юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, айланма маблағларни тўлдириш учун 2 йилдан кам бўлмаган, қайтариш муддати узайтирилишини ҳисобга олганда 30 ойдан ошмаган муддатга;

фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, ўз айланма маблағларини тўлдириш учун, уни қайтариш муддатини узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, 12 ойгача;

шунингдек, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга кредит берилиши мумкин.

Зарар кўриб ишловчи, ноликвид балансга эга фермер хўжаликларига кредит берилмайди.

Кредит олиш учун фермер банкка қуйидаги хужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Кредит буюртманомаси (ариза);

2. Пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа;

3. Охирги ҳисобот санасига Давлат солиқ хизматинингмаҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси, дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотнома, шунингдек 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликнинг солиштириш далолатномалари, молиявий натижалари ҳақида ҳисобот;

4. Таъминот турларидан бири:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;
- учинчи шахс кафиллиги;
- суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилингани тўғрисидаги суғурта полиси.

Кредит олиш учун гаровга қўйилаётган мол-мулк банк ходимлари томонидан баҳоланиб, мижоз билан банк ўртасида гаров шартномаси тузилади. Тузилган гаров

шартномаси асосида гаровга олинган мулк қийматининг 80 фоизи миқдорида кредит ажратилиши мумкин.

Кредит таъминотига учинчи шахс кафиллиги тақдим этилганда, кафилнинг қониқарли молиявий ҳолатини тасдиқловчи аудиторлик ташкилот хулосаси тақдим этилиши керак.

Шунингдек кафил ташкилот томонидан кафиллик шартномасининг расмийлаштирилиши талаб этилади.

Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фондидан бериладиган кредитларнинг йиллик фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади (масалан, 2004 йилда 9 фоиз).

Фермер хўжаликларида олинадиган кредит учун гаровнинг етишмаслиги улар фаолиятида учрайдиган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида 2004 йилдан бошлаб фермер хўжаликларининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда тижорат банкларидан кредит олиш тартиби амалиётга жорий этилди.

Амалиётга жорий этилган тартибга асосан ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда фермер хўжаликлари:

- *бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига зарур бўлган айланма маблағларни тўлдириш учун 2 йилдан кам бўлмаган муддатга;*
- *инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш учун 5 йилгача бўлган муддатга;*
- *қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш фаолиятида айланма маблағларни кредит олишлари учун 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кредит олишлари мумкин.*

Фермер томонидан ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйиб кредит олиш учун зарурий хужжатлар талаб даражасида расмийлаштирилиб тижорат банкига топширилгандан кейин 10 иш куни мобайнида кўриб чиқилади ва ижобий ёки салбий хулоса берилади.

Агар фермерларнинг ижара ҳуқуқи баҳоси сўралаётган кредит суммасига етмаса, етмаган қисмини қоплаш учун бошқа гаров турларидан, масалан, суғурта, кафиллик ва шу кабилардан фойдаланиш мумкин. Бериладиган кредит учун йиллик фоизлар банк билан фермер ўртасида тузиладиган кредит шартномасида кўрсатилади.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишни расмийлаштириш тартиби қуйидагича бўлади:

Дастлаб фермер туман ҳокимига ўзи ижарага олган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга розилик билдиришни сўраб мурожаат қилади.

Туман ҳокими фермернинг ёзма аризасини уч кун ичида кўриб чиқиб ижобий ёки асосланган салбий жавоб беради.

Туман ҳокимининг ёзма розилиги олингандан сўнг туман ер ресурслари хизмати 10 кун давомида фермернинг мабьлаги ҳисобига ер усаткасини суратга олади ва гаровга қўйилаётган қисмини ажратади.

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномада фермернинг ижара ҳуқуқи баҳоси кўрсатилади. Ижара ҳуқуқининг бахоси Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг 2004 йил 13 мартидаги 6/17-сонли қарори билан тасдиқланган Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ аниқланади.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш шартномасига туман ер ресурслари хизмати раҳбари тасдиқлаган гаровга қўйилаётган ер участкаси чизмаси ва ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш учун ҳокимиятнинг розилиги илова қилинади.

Кредит берган тижорат банклари кредитдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида берилган кредитдан фойдаланиш бўйича доимий мониторинг (кузатув) ўтказади ва бунда олинган кредитни мақсадли сарфланаётганлигига эътибор

қаратилади. Берилган кредит бошқа мақсадларда ишлатилаётганлиги аниқланса, банк кредитнинг фойдаланилмай турган қисмини муддатдан олдин қайтариб олиш хуқуқига эга.

Фермер хўжаликларини кредитлашни бозор тамойиллари асосида йўлга қўйиш, уларнинг ишлаб чиқариш учун айлнма маблағларга бўлган эхтиёжинги қондириш мақсадида тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби ишлаб чиқилган. Мазкур хужжатнинг амалиётга жорий қилиниши билан фермер хўжаликларида танлаш имконияти вужудга келади. Эндиликда фермер давлат эхтиёжлари учун махсулот етиштиришда ҳоҳласа Молия вазирлиги қошидаги Давлат эхтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олиш, ҳоҳласа давлат эхтиёжлари учун етиштирилаётган ҳосилни гаровга қўйиб тижорат банкидан кредит олиш ёки ҳар иккала манбадан бир вақтнинг ўзида кредит олиш имконига эга бўлди.

Эсда тутиш керакки, мазкур Низомга кредитлар фақат давлат эхтиёжлари учун махсулот етиштирувчи фермер хўжаликларига 1,5 йилгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш хуқуқисиз, қишлоқ хўжалиги техникаси, эхтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар, ЁММ, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (МТП, муқобил МТП, СФУ ва бошқалар) хизматлари учун тўловларни амалга ошириш, пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар учун берилади.

Фермер ўз ҳосилини гаровга қцўйиб кредит олиш учун банкка қуйидаги хужжатларни тақдим этиши лозим:

- кредит олиш учун ариза;
- тузилган контрактация шартномаларининг нусхалари;
- бизнес режа;
- туман давлат солиқ хизмати томонидантасдиқланган бухгалтерия баланси, дебитор ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома; муддати 90 кундан ўтиб кетган қарздорларнинг қолиштирма далолатномалари, молиявий натижалари тўғрисида хисобот; кредитни қайтариш таъминоти (гаров).

Албатта, бу ерда олинадиган ҳосил таъминот сифатида қабул қилинади. Бунда банк ва фермер хўжалиги ўртасида бўлажак ҳосилни гаровга қўйиш шартномаси имзоланади ва мазкур шартномага мувофиқ гаровга қўйилган ҳосилни сотишдан тушган барча пул маблағларни биринчи навбатда берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қоплашга йўналтирилади. Шу билан бирга биргаликда гаровга қўйиладиган ҳосил кредит берувчи банк фойдасига суғурталанган бўлиши шарт. Чунки, табиий офат ёки бошқа сабаблар билан режалаштирилган ҳосил олинмаган тақдирда кредитларнинг қайтарилмаган қисми суғурта компанияси томонидан қоплаб берилади. Бериладиган кредит учун йиллик фоизлар банк билан фермер ўртасида тузиладиган кредит шартномасида кўрсатилади.

Фермер кредит олиш учун барча зарурий хужжатларни талаб даражасида расмийлаштирилиб, банкка топширилгандан сўнг 10 кун муддат ичида банк фермерга кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида ўз хулосасини беради.

Банк билан фермер хўжалиги кредит шартномаси имзолангандан сўнг банк фермер хўжалиги учун алоҳида ҳисоб варағи очади ва ундан нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш орқали кредит берилади.

Банк томонидан берилган кредитдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида фермер хўжалигининг олинган кредитдан фойдаланилиши бўйича мониторинг (кузатув) олиб борилади. Мониторинг давомида кредитдан самарасиз фойдаланиш ҳолати, хусусан экинлар тўлиқ экилмаслик, агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажармаслик ҳолатлари ва бунинг натижасида кредитни вақтида қайтармаслик

ҳолатлари ва бунинг натижасида кредитни вақтида ва сифатли бажармаслик ҳолатлари ва бунинг натижасида кредитни вақтида қайтармаслик хавфи борлиги натижасида кредитни вақтида ва сифатли бажармаслик ҳолатлари ва бунинг натижасида кредитни вақтида қайтармаслик хавфи борлиги аниқланса, кредитлаш дарҳол тўхтатилади ҳамда берилган кредитни фоизлари билан ундириб олиш чора-тадбирлари кўралади.

Қарз олган фермер хўжалигида етиштирилган ҳосилни сотишдан ҳамда суғурта тўловларидан тушган маблағлар олинган кредит ва унинг фоизларини тўлашга етмаслиги кредит ва унга ҳисобланган фоиз қолдиғи белгиланган тартибда фермер хўжалигининг ликвидли мол мулкига қаратиш йўли билан ундириб олинади.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартибини жорий қилиниши фермер хўжаликларини кредитлаш шароитини яхшилаш учун қўйилган дастлабки қадамлардан биридир. Албатта, бу тартиб келгусида такомиллаштириб борилади.

2003 йил ҳосилидан бошлаб тажриба тариқасида давлат эхтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланадиган фермер хўжаликларини ушбу маҳсулотларни етиштириш билан боғлиқ харажатларини молиялаштиришнинг янгича тизимига ўтила бошланди. Яъни, фермер хўжаликларига транш усулида маблағ ажратиш тизимидан воз кечила бошланди. Дастлаб бу тажриба 4 та, кейинчалик 8 та вилоятда синаб кўрилган бўлса, 2005 йил ҳосилидан бошлаб барча вилоятлардаги фермер хўжаликларига пахта ва ғалла етиштириш учун транш маблағлари ўрнига имтиёзли кредитлар берила бошланди. Бу фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлашнинг бозор тамойилларига мос келадиган усулларига ўтишда муҳим қадам бўлди.

Пахта ва ғалла етиштириш учун имтиёзли кредитлар ушбу мағсулотлар учун тузилган конктрактация шартномасидаги маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида берилади. Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нахлар асос қилиб олинади. Янги харид нархлар тасдиқлангач эса кредит олувчи фермернинг талабига кўра кредит миқдори қайта ҳисоблаб чиқилади.

Кредитлар фақат қуйидаги мақсадлар учун берилиш мумкин:

- иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;
- минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш учун;
- ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш учун;
- МТП лар, муқобил МТП лар ва СФУ лар хизматлари учун тўловлари учун;
- олинган уруғлик материаллари тўловлари учун;
- фермер хўжалиги ихтиёридаги техника воситалари учун эхтиёт қисмлар сотиб олиш учун;
- лизингга олинган техника воситаларининг лизинг ва суғурта тўловлари учун;
- фойдаланилган электр энергияси тўловлари учун;
- плёнка остига пахта экилганда полиэтилен плёнкаси сотиб олиш учун;
- ягона ер солиғи тўловларига.

Шунингдек, фермер хўжалигига ажратиладиган кредитларнинг 5 фоизи доирасида пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган хўжаликнинг бошқа зарурий эхтиёжлари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Фермер хўжалигининг бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эхтиёжи бўлмаган ҳолларда ўша харажат тури учун кредитдан фойдаланишдан воз кечиш ҳуқуқига эга. Бунда тегишли ойда тежаб қолинган кредит фермер хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалашга йўналтирилиши мумкин.

Кредитлар ғалла етиштириш учун кўпи билан 12 ой, пахта етиштириш учун эса 18 ой муддатга берилади. Кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси 3 фоизни ташкил этади. Авваллари бу миқдор 5 фоизни ташкил этган.

Фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштириш бўйича конктрактация шартномаси тузгандан кейин ўз банкига кредит олиш учун мурожаат қилади. Банкка фермер хўжалиги томонидан қуйидаги хужжатлар тақдим қилиниши лозим:

- ариза;
- тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномаларининг нусхалари;
- бизнес-режа;
- сўнгги ҳисобот даври учун давлат солиқ хизматининг маҳаллий органи томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси, дебитор-кредитор қарздорлик хақида маълумотнома, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот.

Фермерга берилаётган имтиёзли кредитнинг қайтарилмаслик хавфини банкнинг ўзи суғурталайди.

Тўловлар фермер хўжалигининг эхтиёжлари учун нақд пулсиз кўринишида (иш хақидан ташқари) фақат фермер хўжалигининг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади.

Барча зарурий хужжатлар талаб даражасида тайёрланиб, топширилгандан кейин 5 кун муддат ичида банк фермер хўжалиги билан кредит шартномаси тузиши лозим. Агар банк кредит беришни рад этса, у ҳолда асосланган ёзма раддия ёзиб бериши лозим.

Банк томонидан берилган имтиёзли кредит фақат мақсадли ишлатилиши, пахта ва ғалла экинлари ҳолати ва бўлажак ҳосил олинган кредитларни қайтариш учун етарли мониторинг қилиб борилади (кузатиб борилади). Агар экинларнинг тўла ёки қисман мавжуд бўлмаслиги, агротехник тадбирларнинг кечикиши, экин майдонларини бегона ўтлар босиб кетиши ҳолатлари аниқланса, кредит ажратиш тўхтатилади ва берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин ундириш чоралари кўрилади.

Ташкил қилинган мини-банклар фаолияти самарадорлигини таҳлилининг кўрсатишича, уларнинг кўпчилининг фаолияти талабга жавоб бермайди. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагилар кўрсатилмоқда:

- фермерларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалик техникаси, қора мол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бўйича илтимослари қондирилмаслиги;
- банкда нақд пул йўқлиги сабабли ёлланган ишчиларнинг иш ҳақини вақтида бермаслиги;
- фермерларнинг керакли ҳолларда давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинаётган маҳсулотларни етиштириш учун зарур аванс тўловларини (имтиёзли кредитларни) ўтказиш ҳақидаги илтимослари қондирмаслик (изоҳ: мақсадли траншлар механизми бунга имкон бермайди);
- фермернинг ҳисоб рақамидаги маблағларни уларнинг розилигисиз фермерлар «истамаган томонга» йўналтиришга йўл қўйиш;
- банк мутахассисларининг малакаси пастлиги, иш тартибига риоя қилмаслик, оперативликнинг йўқлиги ва ҳ.к.

Бошқа томондан, банк хизматчилари уларнинг иш ва ҳаракатига боғлиқ бўлмаган бир неча ҳолатлар мавжудлигини қайд этганлар:

- керакли техник жиҳозлар билан яхши таъминланмаганлик (компьютерлар, принтерлар, модем, телефонлар);
- мини-банк ишини самарали йўлга қўйиш учун мижоз-фермерларнинг етарли эмаслиги;
- қишлоқ жойларида электр энергиясининг доимий ўчириб қўйилиши;

- малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- мини-банклар ходимларининг етарлича рағбатлантирилмаслиги;
- мини-банкларга ишга жўнатилган мутахассисларнинг уй-жой билан таъминланмаганлиги ва ҳ.к.

Тадқиқот доирасида ўтказилган кузатишларнинг кўрсатишича, мини-банклар ишининг қониқарсизлигининг ўзига хос сабаблари мавжуд.

Биринчидан, мини-банкнинг ноаниқ мақоми ва аниқ белгиланмаган вазифалари уларнинг имкониятлари ҳақида мижозларда нотўғри тасавурлар туғдирмоқда. Ҳақиқатда мини-банклар нафақат тўлақонли банклар, ҳатто уларнинг филиаллари сифатида ҳам фаолият юрита олмайди. Улар кредитлар ажратиш тўғрисида мустақил қарор қабул қила ёки тўлақонли банк хизмати кўрсата олмайди.

Иккинчидан, банклар оммавий равишда мини-банкларни ташкил этиш жараёнида катта харажатлар қилаётганлиги сабабли уларнинг техник жиҳозланиши жуда ғариб бўлиб, бу ҳам мижозларга тўлақонли хизмат кўрсатиш имконини бермайди. Телефон линиялари, компьютерлар ва модем алоқаси билан таъминланмаган мини-банклар ўз туман филиаллари билан вақтида боғлана олмайди ва шу сабабдан ҳам мижозларга хизмат кўрсата олмайди.

Учинчидан, мини-банкларнинг мижозлар базаси ва операциялари кўлами ҳам кичиклиги сабабли ҳам улар ўз операцион фаолиятидан етарли даражада даромад олиш имкониятини бермайди, бу эса ўз навбатида мини-банклар фаолияти барқарорлигига ҳавф солади. Бундай шароитларда қуйидагилар таклиф этилмоқда:

1. Тижорат банкларига мини-банклар ташкил қилиш жараёнида махсус имтиёзлар бериш. Бу мини-банкларни мулк ва улар жойлашган ер солиғидан озод қилиш, шунингдек, тижорат банкларининг мини-банкларни ташкил этишга сарфлаган харажатларининг ҳаммаси ёки бир қисмини бюджетга тўланиши керак бўлган фойда (даромад) солиғи суммасидан чиқариш бўлиши мумкин. Давлат томонидан бундай қўллаб қувватланиш тижорат банкларига мини-банкларни жиҳозлашга реал молия маблағлари йўналтиришига имкон берган бўларди.

2. Биринчи босқичда мини-банклар мижозларга касса хизматлари кўрсатиш пунктлари вазифасини юклаш ва уларнинг асосий вазифалари қилиб қуйидагиларни белгилаш:

- давлат буюртмаси ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун аванс сифатида берилаётган кредитлар бўйича фермерларга касса хизматлари кўрсатиш;
- мижозларга улар кредит олгунга қадар маслаҳат хизматлари кўрсатиш;
- мини-банк фаолияти барча ҳудудида яшовчи аҳолидан уларга хизмат кўрсатиш бўйича тўлиқ ҳуқуқларга эга бўлган ҳолда (фоизлар бериш, депозитларни қайтариш ва ҳ.к.) депозитлар қабул қилиш. Бунда мини-банкларнинг мижозлар учун зарур бўлган нақд пул маблағлари билан таъминланганлиги жуда муҳим ҳисобланади;
- хизмат кўрсатиш ҳудудидаги аҳолидан коммунал хизматлар учун тўловлар қабул қилиш;
- хизмат кўрсатиш ҳудудидаги аҳолига пенсия хизмати кўрсатиш.

Қайд этиш керакки, фермерларни молия ва кредитлар билан таъминлашнинг амалдаги тартиби такомиллаштирилишга жуда муҳтож. Давлат келгуси йилдаги ҳосилнинг 50 % қийматида аванс беради. Аммо бу маблағларнинг мутлақ кўп қисми (тахминан 95 %) олдиндан белгиланган тартибда бўлинган бўлиб, фермер уларнинг тақсимланиши ва ишлатилишига таъсир қила олмайди. Бундай аванс бериш механизми бозор муносабатлари талабларига жавоб бермайди ва молия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради. Келгуси йил ҳосили ҳисобига қисқа муддатли кредит олиш, айниқса, бунинг учун бир қатор хужжатлар тўлдириш жараёни

ўта мураккаб бўлиб, кўп вақт талаб қилади. Кўпинча фермер банк муассасаларига тақдим этиш учун зарур хужжатлар, маълумотномалар ва молия кўрсаткичларини тўплаш, тайёрлашда 2-3 ой вақт йўқотади.

Ҳозирги пайтда фермер хўжаликлари босқичма-босқич кредитларни соддалашган тартибда расмийлаштириш ва ажратиш тартибига ўтказилмоқда. Бу маълум маънода уларнинг молиявий мустақиллиги ва тижорат банклари билан ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда. 2003 йил натижаларига кўра ажратилган 15,2 млрд. сўм кредитларнинг 98 % ўз вақтида қайтарилган, бу фермерларнинг ўз мажбуриятларига ўта масъулият билан ёндашувидан далолат беради.

Шулар билан боғлиқ равишда кредитлар бериш тартибларига доир кўрсатмавий хужжатларга тегишли ўзгаришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

2.3. Ахборот-маслахат марказлари, аудиторлик-консалтинг хизматлари тахлили.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналарининг ахборот билан таъминлаш бошланғитч босқичда турибди. Турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи корхоналарни бозор шароитида самарали фаолият юритишда ахборот таъминоти хизмати суғориладиган дехқончилик ва мулк хуқуқи тамойилларига таянади. Бу эса тизимни доимо ривожлантириб бориш, уни яратиш ва ишлатиш учун сарфланадиган харажатларни тежайди. Булардан ташқари малакали мутахассислар потенциали шаклланади. Шуларни ҳисобга олганда қишлоқ хўжалик корхоналарига ахборот хизмати кўрсатиш концепциясини шакллантириш зарур.

26.Ижтимоий ҳимоя ва оила институти сифати кўрсаткичлари					
	Кўрсаткичлар	**Ўлчов бирлиги**	**2009 йил**	**2010 йил**	**2011 йил**
	Нафақахўрлар сони (пенсионерлар)	киши	18236	18564	18867
	Ўртача бир ойлик пенсия	минг.сўм	100,2	132,6	157,2
	Ногиронлар сони	киши	2593	3402	2971
	Ижтимоий нафақа олувчилар сони	киши	1766	1821	1750
	Кам таъминланганлик бўйича ижтимоий нафақа олувчиларнинг жами оилалардаги салмоғи	%	1,6	1,7	1,6
	18 ёшгача болаларга нафақа олувчи оиларларнинг жами оилалардаги салмоғи	%	38,5	34,4	20,9
	2 ёшгача болаларга нафақа олувчи оиларларнинг жами оилалардаги салмоғи	%	51,4	47	26
	Минг кишига никохлар сони	бирлик	1983	2092	1455
	Минг кишига ажралишла сони	бирлик	10	13	7

Агар республика қишлоқ хўжалигида ахборот маслаҳат хизмати (АМХ) бўйича бажарилган ишланмалар замонавий техникалар ёрдамида янги ахборот

технологияларига ўтказилса, товар ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланади, тижорат ахборотларни ўзлаштириши осонлашади. Бу ерда албатта ҳал қилиниши зарур бўлган қатор муаммолар мавжуд.

Биринчидан – Республика ахборот-маслаҳат хизмати марказига узатилувчи маълумотлар базасини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқарилиши зарур. Бу айниқса, тугалланган илмий-техник ишланмаларга ва потенциалларга ва инновацияларга тегишли.

Иккинчидан – ахборот истеъмолининг асосий оғирлиги АМХ елкасига тушгани учун АМХнинг жаҳон маълумотлар банки ва базасига киришини таъминлаш лозим. Бусиз товар ишлаб чиқарувчиларга малакали ахборот хизмати кўрсатиб бўлмайди.

Учинчидан – қишлоқ хўжалиги субъектлари айниқса, туман бўғинида бошқарув органлари хақидаги қонун ва ҳаракатдаги умумий қоида масалаларига ахборот-маслаҳат ёрдамини кўрсатиш ва инновацияни тарғиб этишни киритиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан – АМХ янгилигини ҳисобга олиб, бошқаришнинг барча бўғинларида мутахассисларни тайёрлаш вақайта тайёрлашга киришиш керак.

Бешинчидан – минтақалардаги тажриба объектлари ва АМХ тизимидаги етакчи илмий-текшириш институтларини замонавий ҳисоблаш воситалари билан таъминлаш зарур.

Олтинчидан – Республика АМХ марказидан вилоятга, кейинчалик туманларга маълумотлар банки ва ахборотларни узатиш каналларини танлашни узил-кесил ҳал қилиши лозим.

Еттинчидан – қишлоқ хўжалигида АМХни ташкил этиш молиявий харажатлари ўз ечимини топиши зарур.

АМХни ташкил этиш ва фаолияти давлат томонидан молиялаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки кўпгина мамлакатлар шу йўлни танлашган. Ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш корхона мақсадини белгилаш, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборотларни жорий йиғиш ва ишлаш корхона иқтисодий кўрсаткичларининг режадан четланиши устидан назорат ўрнатиш, энг муҳими оптимал бошқарув қарорлар қабул қилишига тавсиялар тайёрлаш каби ишларни ўз зиммасига олади. Бутун тизим иш фаолиятини корхона олдига қўйилган мақсадларни амалга оширишга қаратиб, Ахборот маслахат хизматини режалаштириш, ҳисоб, назорат, иқтисодий таҳлил, ахборот оқимини ташкил этиш ва шунга ўхшаш кўпгина ишлар бир бутун ҳолида текширилади. Бугунги хўжалик юритишдаги ишлаб чиқариш баъзи бир кўрсаткичларининг камайиши, иқтисодий халқаларнинг айримларида дебиторлик қарзлар кўплиги, баъзи бир минтақалар билан иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилмаганлиги, инфляция, бюджет танқислиги, бизнесни юритишда қонундан четланиш каби қийинчиликлар менежерга бозорни тўғри мўлжал олишга халақит беради. Бу эса бошқарувчи маслаҳатчилар ёрдамига эхтиёжни оширади, холос.

Ахборот – маслаҳат хизматлар қандай кўринишда ва қайси маблағ ҳисобига тузилишидан қатъий назар муҳим муаммолар бўйича фақат маслаҳат бериб қолмай, қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш масалаларини ҳам ўрганиши керак.

Ахборот – маслаҳат хизматида ҳал қилинадиган масалаларнинг қуйидагиларга ёрдами тегади:

- рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этади;
- мулк муносабатларини такомиллаштириш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини оширади;
- истиқболли режаларни амалга оширишнинг замонавий усуллари ва технологияларини излаб топади;

- муаммоларни бартараф этишни таъминловчи бизнес-режани ишлаб чиқишда биргаликда фаолият кўрсатади.
- инвестиция лойиҳаларининг мақсадлилигини, бизнес-режаларда кредитнинг камайтирилиш имкониятини асослайди;
- туман ва вилоят ахборот – маслаҳат хизматини ташкил этишда бевосита иштирок этади.

Ахборот маслахат хизматига услубий ёндошишнинг ўзигахос хусусияти бу қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни аниқлаш, ечими билан боғлиқ ахборотларни излаш, қўллаш учун тавсиялар бериш, товар ишлаб чиқарувчиларни янги ахборот технологияни ишлатилиши учун ўқишни ташкил этишларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, тизимда ким нима иш қилиши кераклиги, тизим унсурлари орасидаги формал ва ноформал алоқалар қандайлиги аниқлаши лозим.

III-боб. Кишлок хужалиги самарадорлигини оширишда бозор инфратузилмасини урни.

3.1. Эркинлаштириш шароити аграр тармогида бозор инфратузилмасини ривожлантириш мухити.

Қишлоқ хўжалик инфратузилмаси фаолият юритишининг самарадорлиги ва унинг олдида турган вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан уни ташкил қилиш ва фаолият юритиш механизмларининг яхши ўйланганлиги, кўрсатилаётган хизматларнинг комплекслилиги ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ. Агар жаҳон тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, ривожланган давлатлар учун қишлоқ хўжалик инфратузилмасини шакллантирувчи элементларнинг турли ҳиллиги ва улар қурилиши ва ўзаро муносабатларини кўпчилик схемалари турфалигини кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик инфратузилмаси шаклланишининг энг асосий мақсади – иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликдир. Инфратузилма объектлари хусусий тадбиркорлар томонидан бундай объектларга пулли талаб мавжуд бўлган жойларда ва бу фаолият ҳеч бўлмаса жамиятда шаклланган ўртача тадбиркорлик даромади келтириши мумкин бўлган шароитлардагина ташкил қилинади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига ҳослигини ҳисобга олган ҳолда, улар фаолиятини бюджетдан молиялаштириш имкониятига эга бўлган кўплаб ривожланган давлатларда давлат қишлоқ хўжалик тизимини бу объектлар ёки уларнинг хизматидан фойдаланувчи фермерларга турли имтиёзлар ва субсидиялар бериш орқали билвосита қўллаб қувватлайди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик итнфратузилмасини яратиш жараёнлари кўпинча бозорга хос бўлмаган усулларда амалга оширилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, биринчи йилларда бу объектларнинг даромад билан ишлашини кутиш қийин.

Бундан ташқари, ҳозирча кўплаб инфратузилма шахобчалари молиявий жиҳатдан ўзини оқламайди, баъзи ҳолларда эса, улар фаолияти тўхтаб қолиш ҳавфи ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, инфратузилмани тезкор ривожлантиришнинг асосий мақсади фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш эканлигини ҳисобга олган ҳолда, биринчи йилларда инфратузилма ривожи самарасига баҳони, улар олдига қўйилган мақсадларга етган ёки етмаганлигина қараб бериш мумкин.

Биринчидан, инфратузилманинг фермер хўжаликлари энг кескин эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлиги.

Ҳукумат дастурлари ва жойлардаги ҳокимият идоралари фаолиятини таҳлил қилишнинг кўрсатишича, кескин муаммоларнинг кўпчилиги институцион жиҳатдан инфратузилма объектларини ташкил қилиш билан изоҳланади. Ҳамма жойларда мини-банклар, ЁММ ва минерал ўғитлар қабул қилиш бўйича савдо тармоқлари, мавжудларига муқобил машина-трактор парклари яратилмоқда, фермерларга имтиёзли шароитларда қишлоқ хўжалик техникаси сотиш бўйича институционал тузилмалар ташкил этилган. Қишлоқ жойларида янги фермерларни оммавий равишда замонавий менежмент ва тадбиркорлик фаолиятига ўқитувчи бизнес мактаблар ташкил этилган.

Иккинчидан, яратилган инфратузилманинг қишлоқ хўжалиги ривожланганлик даражаси ва фермерларнинг ҳақиқий эҳтиёжларига муқобил ва мослиги (ўтказиш қобилияти, ҳудудий яқинлиги ва функционал ихтисослигига кўра).

Мамлакатимиз аграр тармоғи бозор мунособатларига утиш жараёнида иқтисодиётни эркинлаштириш, унда хусусий мулк шаклларига эга булган қишлоқ хужалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) , фермер ва фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш ҳукуматимиз олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сузлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек , “...ривожланиш стратегиясининг моҳияти, ислоҳот ва туб ўзгаришларнинг моҳияти ...-... хўжалик субъектлари ва хусусий мулкдорлик куламининг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришдадир”.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш ва ахоли турмуш даражасини оширишда қишлоқ хўжалиги сохаси мухим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида мулкчиликнинг ижара шаклларини, шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари манфаатлари устуворлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини ана шу мақсадга қаратиш, турли ташкилий – ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритиш субъектлари сақлаб қолинган ҳолда фермер хўжаликларини ривожлантириш муҳим йўналиш этиб белгиланди.

Сўнгги йилларда ширкат хўжаликларининг аксарияти қолоқ ахволга тушиб, ердан самарали фойдаланиш тизими кескин пасайди. Ана шунда ширкатларнинг истиқболсиз тузилма эканлиги яккол кўзга ташлана бошлади. Бу уларнинг карздорлиги ва сарф-харажатларининг ошиши билан ҳам ифодаланади. Шу ва шу каби жиддий сабаблар ердан янгича услубда, янги тузилмалар асосида фойдаланишга зарурат тугдирди. Ташкил этиладиган янги тузилмалар асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, дехкончиликдан кўриладиган манфаатдорликни харажатларни камайтириш ва хосилдорликни ошириш хисобига юксалтириш ҳамда асосан қишлоқ ахолиси учун баркарор даромад манбаини шакллантиришга эришиш лозим эди.

Ана шундай вазиятда ерларни узок муддатли ижарага бериш кутилган натижаларга олиб келиши назарий жихатдан исботланди ва шу услуб амалда қўлланиб дехкон ва фермер хўжаликлари юзага келди. 2000 йилдан бошлаб республикамиз қишлоқ хўжалигидаги тадбиркор ва ишбилармон фермерлар бошқараётган фермер хўжаликларини янада ривожлантириш мақсадида давлат миқёсида иқтисодий қўллаб-кувватлашнинг турли механизмларни амалиётга жорий қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Сурункали зарар ва паст рентабелли ширкат хўжаликларини тарқатиб, фермер хўжаликларига айлантириш билан бир вақтда қишлоқда бозор инфраструктурасини шакллантириш ва ривожлантириш, моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, молиялаштириш ва кредитлашнинг янги тизимини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва бошқа долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган дастурлар тайёрланди. Жумладан, Узбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги 3342-сонли "Фермер хўжаликларини 2004-2006 йилларда ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур концепция истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда асосий хўжалик субъекти ҳисобланадиган фермер хўжаликларини 2004-2006 йиллар давомида устувор ривожлантиришни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури фермер хўжаликлари фаолиятидаги энг муҳим йўналишлар, жумладан:

- ер-сув муносабатларини такомиллаштириш;
- молия-кредит механизмини такомиллаштириш;
- фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда сервис ва ҳуқуқий хизматлар соҳасини ривожлантириш;

- маҳсулот тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш;

- меҳнат муносабатлари ва кадрлар тайёрлаш соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирларидан иборат бўлиб, ҳар бир йўналиш бўйича ҳукумат ва маҳаллий хокимиятлар миқёсида алоҳида вазифалар белгиланди.

2004 йилда фермер хўжаликлари фаолиятининг таҳлиллари, шунингдек, сурункали зарар кўриб ишлайдиган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёнининг натижалари асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрида 607-сонли "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантиришга хукумат миқёсида берилаётган алоҳида эътибор паст рентабелли ва зарар билан фаолият кўрсатаётган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятларини ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашнинг муҳим воситаси ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналиши бўлиб белгиланади.

Концепцияга мувофиқ вазирлик ва муассасалар 2007 йилга келиб, сони 8,2 мингга етувчи фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфраструктура объектлари тартибларини яратиш бўиича топшириқлар олишган. 2003 йилга солиштирилса, МТП сони 4,1 марта, ахборот таъминоти ва консалтинг хизматлари объектлари сони 1,9 марта, мини банклар сони 3,1 марта, зотдор моллар ва зооветеринария хизматлари объектлари сони 1,2 марта ортиши керак.

Шу билан бирга, бозор инфраструктураси объектлари ишини фаоллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун бу объектларни яратишга «жавобгар» бўлган ассоциация ва компанияларга топшириқлар бериш орқали мажбурий ресурслардан фойдаланишдан кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналарнинг ривожланиши учун шароитлар яратиш тўғрироқ бўларди. Бу йўналишда хусусий муқобил МТП, ЁММ сотиш тармоқлари, фермерларга зооветеринария ва консалтинг хизматлари кўрсатиш корхоналарини яратиш мақсадга мувофиқ ва истиқболлидир.

Агар фермерларда хизматлар учун ҳақ тўлашга етарли маблағлар бўлмас экан, инфраструктура объектларини ташкил қилиш бўйича ташкилий тадбирлар кутилган натижалар бермаслигини кўзда тутиш керак. Бундай шароитда яратилган инфраструктура объектлари банкротликка учраб, ёпиладилар. Инфраструктура объектларини жойлаштиришда ҳам хизмат кўрсатиш ҳудудларидаги реал эҳтиёж ва фермерларнинг эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Фермер хўжаликларининг технологиклиги ва ишлаб чиқаришнинг механизациялашганлик даражасининг пастлигини ҳисобга олган ҳолда, фермерларни қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш бўйича лизинг хизматларини кўрсатишни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, фермерлик, аввало ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланишнинг замонавий усули бўлиб, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янгича амалий шакли ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни ташкил этишнинг бу шакли натижасида ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда. Масалан, биргина Қашқадарё вилоятида 2007 йил 1 октябр ҳолатига кўра 28716 та фермер хўжалиги ташкил этилган бўлиб, уларга жами 678,4 минг гектар ер майдони ажратиб берилган. Фермер хўжаликларининг 19660 таси пахтачилик ва ғаллачиликка, 1034 таси чорвачиликка, 7596 таси боғ ва сабзавотчиликка ихтисослашган.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларнинг 83 фоизи пахта ва ғалла етиштиришга, 7 фоизи чорвачиликка, 10 фоизи эса мева ва савзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 2007 йилда жами етиштирилган пахта хом ашёсининг 29 фоизи, ғалланинг 27 фоизи фермер хўжаликлари ўлишига тўғри келадиган бўлса, 2006

йилга келиб пахта хом ашёсининг 85 фоизидан ортиғи хамда ғалланинг 81 фоизига яқини фермер хўжаликлари томонидан етиштириб берилди. 2006 йил якунлари бўйича республикада ишлаб чиқарилган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 55 фоизи фермер хўжаликлари ўлишига тўғри келади.

Аграр тармоқда фермер хўжаликларнинг сони кўпайиши уларнига хизмат кўрсатувчи корхоналар сонини кўпайишини талаб этмода. Жумладан 2002 -2006 йиллар давомида 1042 та мини банк, 1826 та муқобил МТП, 976 та минерал ўғит сотиш шахобчаси, 1231 та ёқилғи мойлаш махсулотлари сотиш шахобчаси, 1502 та Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва бошқа бир қатор инфратузилма объектлари ташкил этилди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар яъни аҳоли учун озиқ-овқат, саноат хом – ашёни ишлаб чиқариш борасида аграр тармоқ имкониятларини кенгайтиришни тақозо этади. Шу билан бир қаторда уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш замон талаби ҳисобланади. Бундай хизмат турларига:

1) Ёқилғи-мойлаш материалларини сотиш шахобчаси;
2) Минерал ўғитлар сотиш шахобчаси;
3) Муқобил МТП;
4) Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси;
5) Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш шахобчалари;
6) Зооветеринария хизмати кўрсатиш шахобчалари;
7) Фермер ва фермерлар уюшмаси;
8) Банк ва лизинг хизмати;
9) МЭЗ дан ёғ, шрот, шулха олиш масаласи;
10) Уруғлик етказиб бериш хизматлари;
11) Ахборот Консалтинг Маслаҳат Марказлари ҳизматлари;
12) Агрономия ва мелиорация каби бир қанча хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фермер ва фермер хўжаликларини иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлиги ўсишининг муҳим омили ҳисобланади. Хом-ашё, материал ва тайёр маҳсулотнинг ўз вақтида ва меъёрида етказиб берилиши, тезкорлиги хўжалик айланмасида бўлган ресурс ҳажмини белгилайди. Хизмат кўрсатувчи корхоналар объектларининг жойлашганлиги (асосан туман марказларида), қўлланиладиган технологиялар, хизмат кўрсатиш тарифларининг юқорилиги, монопол холати ва бошқа сабаблар натижасида фермерлар уларнинг хизматидан тўлиқ фойдаланмасликларига сабаб бўлмоқда.

Бозор иқтисодиёти талаб, таклиф , рақобат ва баҳо асосида харакатга келади. Худди шунингдек қишлоқ хўжалигида ҳам деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг ташкил топиши ва жойлашиши деҳқон ва фермер хўжаликларининг талаби ва таклифи асосида ташкил топиши лозим. Аммо мамлакатимизнинг кўпгина туманларида деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи корхоналар уларнинг талабларидан келиб чиқиб эмас балки аксинча ёки керакли худудда жойлашмаган ёки узоқда жойлашган бўлиб бу холат деҳқон ва фермер хўжаликлари билан уларга хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти ўртасидаги ўзаро иқтисодий, ташкилий ва хуқуқий муносабатларга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Агар худудларда хизмат кўрсатиш корхоналари талаб ва таклиф асосида ташкил этилса, улар ўртасида рақобат шакилланади ва ўз-ўзидан уларнинг сифати ва хизмат нархини арзонлашишига эришиш мумкин. Бу эса, деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартига солиш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалигида монополия ва моносопияга барҳам бериш шу куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Чунки бу ҳолатлар фермер ва фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий актларнинг тўлиқ ишламаслигига олиб келади.

Аммо фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоғидаги монополия кўринишлари тармоқда рақобат муҳитини чеклаб қўймоқда. Хусусан, фермерларга ёқилғи, минерал ўғит, шрот, шелуха тарқатиш шахобчалари хизматлари сифат даражасининг пастлиги ва шартнома механизмини тўлиқ ишламаслигига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлиллар, шуни кўрсатадики, фермерлар билан иқтисодий муносабатга киришувчи бошқа субъектлар ўртасида тузиладиган шартномаларнинг намунавий шакли ишлаб чиқилган бўлиб, жойларда шартномаларни тузиш жараёнида маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда шартномада кўрсатилган баъзи шартлар эътиборга олинмаган ҳолатлар учрайди. Бу ҳолат эса, ўз навбатида шартномаларда фермерларнинг бурчларини, хизмат кўрсатувчи монопол тармоқларнинг ҳуқуқларини ошишига олиб келган.

Хулоса ва таклифлар

Кўрсатилган хизматнинг сифатида ва уни якуний натижага кўрсатган таъсирининг қандай бўлишидан қатъий назар фермерлар ҳисоб рақамидан хизмат ҳақи қатъий ундирилмоқда. Олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, хизмат курсатувчи инфратузилманинг самарадорлигига бевосита таъсир этувчи масалалар қуйидаги таркиб бўйича гуруҳлаштирилди:

- Фермер хужаликларига хизмат курсатувчи инфратузилмалар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ва хукукий хужжатлар тулик ишлаб чикилмаганлиги;
- Инфратузилма шахобчаларини ташкил этишни худудий жихатдан оптимал жойлаштирилмаганлиги;
- Мини банклар уз функцияларини талаб даражасида бажариш учун етарли ресурс ва салохиятга эга эмаслиги;
- Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ) бошкаруви жамоат ташкилоти тамойилларига жавоб бермагани, СФУларнинг сув йуналишига караб бирлаштирилмаганлиги ва сувдан фойдаланиш меъёрларининг (лимитларнинг) ишлаб чикилмаганлиги сабабли сув таксимотини самарали амалга ошира олмаётганлиги натижасида низоларнинг юзага келиши;
- Мукобил МТПлар, Минерал угит ЁММ (ёкилги мойлаш махсулотлари) таркатиш, Сервис ва Транспорт хизмати курсатиш шахобчалари уз хизматларини вактида амалга оширмай куп холларда фермер хужаликларининг давлат режасини бажара олмаслигига сабаб булмокда. Шунга карамай тузилган шартномаларда асосан фермер хужаликлари мажбуриятлари акс этганлиги сабабли сифатсиз хизматлар учун тулов банкдаги хисоб ракамидан мажбуран ундириб олинишининг амалиётдаги мавжудлиги;
- Фермер хужаликларига мукобил МТП, минерал угит ва ёкилги мойлаш махсулотларини етказиш, кишлок хужалик махсулотлари сотиш ва транспорт хизмати курсатиш бозорида соглом бозор муносабатларини шаклланмаганлиги, натижада кишлок хужалиги махсулотлари ва курсатилаетган хизматлар нархлари уртасида кескин тафовутларнинг юзага келиши;
- Кишлок жойларида кишлок хужалиги махсулотларини кайта ишловчи мини цехлар куриш учун зарур инфратузилма (сув ва электр таъминоти) талаб даражасида эмаслиги;
- Кишлок хужалиги махсулотларини кайта ишловчи мини цехлар куриш учун фермер хужаликларига узок муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш масалаларида ўта расмиятчиликка йул куйилиши;
- Ахборот, консалтинг ва ҳуқуқий хизматларни бозор тамойиллари даражасида ташкил этилмаганлиги.

Бу ҳолатлар соҳада бир қатор меъёрий-ҳуқуқий актларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни, шунинг билан бирга уларнинг курук когоздамас, амалда хам ишлашини таъминлашни тақозо этмоқда.

Республикамиздаги пахта ва ғалла етиштириш, чорвачиликка, мева ва савзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- мавсумийлик;
- табий иқлим шароитига боғлиқлиги;
- хизмат кўрсатишнинг жойлашуви, худуди ҳамда қишлоқ хўжалик экинларига боғлиқлиги ва хоказо.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар етиштириш учун мавсумий меҳнат ресурсларига эхтиёж сезилади. Бу эса ўз навбатида мавсумий ишчи кучини йиғувчи ва иш билан

таъминловчи хусусий корхоналар фаолдиятини ривожлантиришга сабаб бўлади. Бундай корхоналар хизматидан фойдаланивчи фермер хўжаликлар вақтида ва сифатли ўз талабларини қондлириш имкониятига эга бўлади. Бундай хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналарни ривожлантириш, фермер хўжаликларини самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, фермер хўжаликлар пахта ва ғалла етиштиришга, чорвачиликга, мева ва сабзавот етиштиришга ихтисослашган бўлади. Буларнинг барчаси табий иқлим шароитига боғлиқ бўлиб, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳам фермерлар етиштираётган маҳсулотлар учун тайёрлов пунктлари, маҳсус сақлаш омборлари ва шу каби хизмат турларини ҳам таклиф этишлари лозим, лекин хизматнинг бу турлари талаб даражасида ривожланмаган. Ўтказилган сўров натижаларидан маълум бўлдики, маҳсулотларни тайёрлаш пунклари, маҳсус сақлаш омборлари ва шу каби хизмат кўрсатиш турларига талаб анча юқори. Бу хизматларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш фермер хўжаликларини янада ривожланишига олиб келади.

Хизмат кўрсатишнинг жойлашуви, худуди ҳамда қишлоқ экинларига боғлиқлиги қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, хизмат кўрсатувчи корхоналар юқорида таъкидлаб ўтилганидек, талаб ва таклиф асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Дехқон ва фермер хўжаликларини етиштираётган маҳсулотларига боғлиқ холда хизмат турлари ташкил этилса, бу нафақат иқтисодий балки ташкилий ва ҳуқуқий жихатдан ҳам тўғри йўналтирилган бўлади. Масалан, мамлакатимизнинг айрим худудлари чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари фаолиятига ихтисослашган бўлади. Бу худудларда, айнан чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатувчи корхоналарни ривожлантириш керак бўлса, пахта ва ғаллага ихтисослашган худудларда эса, бу соҳага ихтисослашган хизмат турларини, мева ва сабзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган худудларда эса, маҳсус сақловчи ва жойларда қайта ишловчи корхоналар хизматларини ривожлантириш самарадорликка олиб келувчи йўлларидан биридир.

Фермер хўжаликларининг пахта ва ғалла етиштириш, чорвачиликка, мева ва савзавот ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликлари бир – бири билан узвий холда боғлиқдир. Пахтачилик ва ғаллачилик чорвачиликни озуқа (шулха, кунжара, сомон ва ҳ.к.) билан таъминлайди, ўз навбатида улар пахта ва ғалла етиштириш учун энг зарур ҳисобланган органик ўғитларни етказиб беради. Бир-бири билан узвий халда боғлиқ бўлган бу механизмни ўз вақтида ва сифатли таъминлаш учун хизмат кўрсатиш корхоналарини минтақаларда ривожлантириш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади

Қишлоқ хўжалиги субъектлари ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қуйидагиларда намоён бўлади :

- хизмат бахолари ;
- моддий манфаатдорлик;
- шартномавий муносабатлар;
- солиқ ,кредит ва суғурта масаласи;
- хизмат кўрсатувчи корхоналарни фаолиятини қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятини охирги натижаси (хосилдорлик, рентабеллик, фойда олиш) билан узвий боғловчи механизм яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I.Расмий ҳужжатли материаллар
(Қонунлар, фармонлар, қарорлар ва И.А.Каримов асарлари).

1. “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” 2003 йил 24 мартдаги Президент Фармони.
2. “2004-2006 йилларда фермер хўжалигини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”. 2003 йил 29 октярбдаги Президент Фармони.
3. “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 8 ноябр 2005 йилдаги 215 чи сонли Президент қарори.
4. “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 11 январ 2006 йилдаги 255 чи сонли Президент қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш ва уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ташкил этишда фойдаланиш учун зарур бўлган хуқуқий –меърий хужжатлар тўплами” Т- 2005 йил.
6. «Фермер хўжалиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрель қонуни.
7. «Дехқон хўжалиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрель қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси ПФ «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». –Тошкент Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2003 й. № 4. 2-3 бетлар.
9. Ўзбекистон Республикаси ПФ «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида».- «Ўзбекистон овози», 2003 йил, 28 октябрь.
10. Каримов И.А. “Изланиш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик–давр талаби”.- «Туркистон», 23.02.2000.
11. Каримов И.А. “Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш-энг муҳим вазифамиз”.–«Ўзбекистон овози» 15.02.2000.
12. Каримов И.А. “Жамиятда тадбиркорлик рухини қарор топтириш – тараққиёт гарови”. - «Ишонч», 18 июль 2001.
13. Каримов И.А. “Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз”. –«Туркистон», 17.02.2001.
14. Каримов И.А. “Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш-бош йўлимиз”.-«Ҳалқ сўзи» 15.02.2002.
15. Каримов И.А. “Рахбар, етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак”. - «қишлоқ ҳақиқати», 22.02.2002.
16. Каримов И.А. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузаси”. - «Ўзбекистон овози». 30.08.2002.
17. Каримов И.А. “Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва хуқуқий маданият тўғрисида”. - Тошкент-1999.

II.Китоб ва туркум нашрлари

1. Беркли Хилл. "Иқтисодиётга кириш" (қишлоқ хўжалиги ўқув юртлари талабалари учун дарслик). Т. "Меҳнат"; 1998.
2. А.Абдуганиев, А А Абдуганиев “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси нашриёти Т 2004 й
3. И А Исмоилов,О Муртазаев “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ”Т 2003 й

4. О.Олимжонов, Т.Фармонов, П.Қосимбеков, С.Сирожиддинов, М.Қосимов, И.Рафиқов “Фермерлик фаолиятнинг хуқуқий ва молиявий асослари” Т “Университет” 2005 йил
5. “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами” (I- II қисм). Т.Ўзбекистон. 1998.
6. Тўхлиев Н. "Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти."Ўзбекистон миллий энциклопедияси", Давлат илмий нашриёти. Т. 1998.
7. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. – Тошкент. 2004. Дарслик.
8. Макконелл К.Р., Брю С.Л. “Экономикс”. В-2-х томах. - Таллин, 1993.
9. “Методика экономической оценки сельскохозяйственной техники”. Книга под ред. Проф. Н.С.Власова. - Москва, «Колос», 1979.
10. “Микроиқтисодиёт”. Дарслик. Ғуломов С.С. ва бошқалар-Т, «Шарқ» 2001, 320 б.
11. Улмасов А., Шарифхужаев М. “Иқтисодиёт назарияси”.-Тошкент, «Мехнат», 1996 й.
12. Ўлмасов А. “Иқтисодиёт асослари”.-Тошкент, «Меҳнат», 1997й., 310 б.

IV. Журналлардаги мақолаларга хаволалар

1. Хусанов Р. “Оила пудрати ва моддий манфаатдорлик”. – Ж. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. 2004. № 3. 6-7 бетлар.
2. Эргашев Р.Х., Файзиева Ш.Ш. “Фермер хўжаликларини ривожлантириш–иқтисодиёт истиқболи”. Тошкент Ж. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси». 2003 йил, № 7,51-бет.
3. Назаров Р. “Фермерлик: имкониятлар ва камчиликлар”. – Ж. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. 2004. № 1.
4. Мирсаидов Х. “Япон фермерлари”. – Ж. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. 2004. № 36-бет.
5. Тошболтаев М. ва бошқалар. “Замонавий техника – интенсив технология омили”. – Ж. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. 2003. № 10.
6. Қутлиқов М. “Деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари”. Тошкент. Ж. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси». 2003 йил, № 4, 50-бет.
7. Эргашев Р.Х. “Фермерское хозяйство как организованная форма малого бизнеса в АПК”. Ж. «Вестник» МАНВШ, № 3, 2002 г. сс 27-31.
8. Эрназаров И. “Ҳали пахтакорларнинг иши кўп”. – «Қашқадарё», 14.08.2004. 4-бет.